

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРҚАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРҚАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ  
НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2021**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:**

**ЎзМУ т.ф.д., проф Х.Юнусова**

**Тақризчи:**

**т.ф.д., Р.Холикова.**

**т.ф.н., доц. Р.Сиддиков.**

*Ўқув-услубий мажмуда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг 2020 йил \_\_\_ даги \_\_\_-сонли баённомаси билан маъқулланган.*

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....	4
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	22
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР .....	103
V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	108
VI. ГЛОССАРИЙ .....	110
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	116

**I. ИШЧИ ДАСТУР**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**«Тасдиқлайман»  
Тармоқ (мintaқavий) маркази  
директори И.Хамиджонов**

**2021 йил“\_\_”**

**Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал  
асослари.  
модули бўйича**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**“Ўзбекистон тарихи”**

Таълим йўналиши ва мутахассисликлари профессор –ўқитувчилари учун

**Тошкент – 2021**

Модулнинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** ЎзМУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси профессори  
Х.Э.Юнусова

**Тақризчилар:** т.ф.д., проф. А.С.Сагдулаев – Ўзбекистон миллий университети, т.ф.д., проф. Р.Э.Халиқова – Тошкент давлат техникауниверситети, т.ф.д., проф.

Ишчи ўқув дастури Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг 2020 йил \_\_ \_\_даги \_\_\_\_-сонли баённомаси билан маъқулланган.

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқ-ланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғриси-да”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фар-монлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асосларимодулинингмақсадипедагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

### **Модулнинг вазифалари:**

- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Ўзбекистон тарихи” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини;
- Ўзбекистон давлатчилиги тарихини даврлаштириш масалалари;
- Республикани янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини;
- Ўзбекистонда илк ўрта асрлар даври янги шаҳарларнинг шаклланишини;
- Ижтимоий фанларда фойдаланиладиган замонавий амалий дастурлар мажмуаларини *билиши* керак.

#### **Тингловчи:**

- Ижтимоий фанларни ўқитиш бўйича янги технологияларни амалиётда қўллаш;
- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўtkазиш;

- экспериментал тадқиқотлар натижалариға ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш ва акс эттириш, хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларини ишлаб чиқиш;
- илфор тажрибалардан фойдаланиш;
- ўз устида ишлаб, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимини қўллаш;
- Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари, Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни таълим тизимиға тадбиқ этилиши, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон тарих фанига ахборот коммуникацион технологиялари ва уларни қўллашнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини билиш;
- ижтимоийфандарни турли соҳаларга татбиқ қилиш;
- ижтимоийфандарни дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий усулларини қўллаш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон тарих фанининг дастурлар пакетини ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- ижтимоий фандарни дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий масалаларини таҳлил қила олиш;
- Ўзбекистон тарихига оид масалаларни ечишда замонавий технологиялар ва усуллардан фойдалана олиш;
- ижтимоий фандар соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;
- эгалланган тажрибани танқидий қўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характеристикини ўзгартира олиш;
- ижтимоий фандарда тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиши**компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

#### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари” модули мазмуни ўқув режадаги ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг ислоҳотларнинг назарий жиҳатларини таҳлил қилиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида мустақиллик йиллари амалга оширилшган ислоҳотлар, натижалар ва муаммолар, Янги Ўзбекистон иқтисодий ривожланиши чуқурроқ ўрганиш ва педагогик амалиётда қўллаш компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модуль мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси		
		Жами	жумладан	
			Назарий	Амалий машғулот
1.	XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири.	2	2	
2.	Миллий давлат тизими-нинг барпо этилиши, бошқарувда янги усулларнинг шакллантирилиши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимяти қарор топиши.	2	2	
3	Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви. Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши.	2	2	
4	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши. Жамият хаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш.	2	2	

5	Давлат ва жамият ўртаси-даги мувозанатни таъминлаш, давлат бошқарувига янгича услубларни жорий этиш.	2		2
6	Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар.	2		2
7	Кучли ижтимоий сиёsat концепциясининг шакл-ланиши, босқичлари ва ривожлантирилиши.	4		4
8	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллат-ларапо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ташкил этилиши, вазифалари ва функциялари.	4		4
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРМАЗМУНИ**

### **1-мавзу. XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири.**

1.1. Қайта қуриш сиёsatининг Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий, сиёсий ҳаётига таъсири.

1.2. Мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти, қишлоқ хўжалигининг ҳолати.

1.3. Ўзбекистон сиёсий ҳаётидаги жараёнлар: кадрлар масаласи, “пахта иши” қатағонлари, ўзбек тилига давлат тили мақолмини бериш учун ҳаракатлар.

1.4. Ўзбекистон янги раҳбариятининг республика мустақиллиги йўлидаги ҳаракатлари. Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши.

### **2-мавзу. Миллий давлат тизимининг барпо этилиши, бошқарувда янги усусларнинг шакллантирилиши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимяти қарор топиши.**

2.1. Ўзбекистонда миллий давлат тизимининг барпо этилиши ва бошқарувда янги усусларнинг шакллантирилиши.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши.

2.3. Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат ҳокимяти тузилиши асосларининг яратилиши. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимяти қарор топиши.

### **3-мавзу. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши,**

## **иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви. Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши.**

3.1. Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ва унинг босқичлари.

3.2. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўлининг танланиши ва унинг ҳуқуқий асосларини яратилиши. Мамлакатда тадбиркорлик соҳасида ислоҳотлар: ютуқлар ва муаммолар.

3.3.Мустақиллик йиларида ижтимоий ҳимоянинг амалга оширилиши, унинг босқичлари, янги Ўзбекистонда соҳадаги ўзгаришлар, унинг натижалари. Фан ва таълим соҳасидаги ислоҳотлар.

3.4. Янги Ўзбекистонда Ёшларга оид давлат сиёсати ва хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари

## **4-мавзу. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш.**

4.1.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши такомиллаштириш вазифаларини белгиланиши

4.2.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш вазифаларини белгиланиши

4.3.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш вазифалари

4.4.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида чукур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларнинг белгиланиши.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот.**Давлат ва жамият ўртаси-даги мувозанатни таъминлаш, давлат бошқарувига янгича услубларни жорий этиш.(2 соат).

**2-амалий машғулот.**Иқтисодиётни ривожлантириш ва либе-раллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар.(2 соат).

**3-амалий машғулот.**Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шакл-ланиши, босқичлари ва ривожлантирилиши(4 соат).

**4-амалий машғулот.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараво муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ташкил этилиши, вазифалари ва функциялари.(4 соат).

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **АДАБИЁТЛАРРЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини

янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдагидаги “Қадимиёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

21. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series B: Middle ages. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

22. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series C: New Era. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.
23. Avery P. The Cambridge History of Iran. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 871 p.
24. Bayly S. The Cambridge History of India. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 1093 p.
25. Bose S. The New Cambridge History of Asia. – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020. – 2062 p.
26. Brundage A. Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing. – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.
27. Bunch B., Hellemans A. The history of science and technology. – Boston – New York, 2004.
28. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Europe. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1487 p.
29. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: North and South America. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1084 p.
30. Collins R. The Arab Conquest of Spain, 710–797. – Oxford: Blackwell Publishing, 2018.
31. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
13. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
32. Grant E.A Source Book in Medieval Science. – Cambridge: Harvard University Press, 2016. – 587 p. (Reprint).
33. H.Q. Mitchell, MarilenaMalkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
34. Haskins C. H. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).
35. Haskins C. H. The Renaissance of the Twelfth Century. – Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).
36. Huntington S.P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon and Schuster, 2017. – 358 p.
37. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance // International Journal of Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>
38. Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2017. – p. 193.
14. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooksAccoun 2015. - 134 pp.
39. Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.
40. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).

41. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).
42. Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.
43. Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).
45. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 editions 2015. - 350 pp.
44. Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.
45. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.
46. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю.и др.Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.  
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
47. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
48. Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.
49. Габриэльян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.
50. Гулобод Құдратуллоқ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
51. Европа мамлакаларива АҚШ 1640–1918 йилларда. /А.Холлиевтахририостида.–Тошкент: Университет, 2010.
52. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
53. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.  
[http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
54. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.
55. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
56. История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.
57. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараённида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

58. Лученкова Е., Мядель А. История науки и техники. – М.: Litres, 2017. – 431 с.
16. Матёқубов Х.Х. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент. 2017.
59. Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.
60. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
61. Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток, Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
62. Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
63. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
64. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.
65. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
66. Ханников А. Техника: от древности до наших дней. – М.: Litres, 2020. – 384 с.
67. Холиқулова Х. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати. – Тошкент. Mumtoz so’z, 2017.
68. Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

#### **IV. Интернет сайтлар**

69. Ўзбекистон Республикаси Олийваўтамахсустаълимвазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
70. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
71. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
72. Ўзбекистон Республикаси Президентининграсмийсайти: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
73. Ўзбекистон Республикаси Олийваўтамахсустаълимвазирлигининграсмийсайти: <http://www.edu.uz/modules/wfchannel>
74. “Халқсўзи” газетаси – [wwwinfo XS. Uz](http://wwwinfo.XS.Uz).
75. “Туркистан” газетаси – [wwwturkistonsarkor.uz](http://wwwturkistonsarkor.uz).
76. “Маърифат” журнали – [wwwma'rifat-inform](http://wwwma'rifat-inform).
77. “Жамиятвабошқарув” журнали – [wwwrzultacademyfreenetuz](http://wwwrzultacademyfreenetuz).
78. “Мозийдан садо” журнали – [www.moziy.dostlink.Net](http://www.moziy.dostlink.Net)

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЛЬИМ МЕТОДЛАРИ

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.


<b>S</b>	Ўзбекистон мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида, жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасидан самарали фойдаланган ҳолда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши.	Бир вақтни ўзида бир нечта йўналишда амалга оширилади...
<b>W</b>	Иқтисодий ислоҳотларнинг кучсиз томонлари	Ислоҳотлар арафасида мустамлака тузумига хос, бир ёқлама ривожланган иқтисодиётнинг оқибатлари, кишилар турмуш тарзи, жон бошига тўғри келадиган даромад даражасининг пастлиги, томорқа ерларининг камайиб бориши, экологик аҳволнинг оғирлиги, бола ва она сало-матлигининг оғирлиги ҳолатлари мавжуд эди.
<b>O</b>	Давлат ҳокимияти ва иқтисодий ислоҳотларнинг хуқуқий асосларини яратилиши	Сиёсий ислоҳотларни чукурлаштириш, конституциявий қурилишни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хуқуқ, эркинликлари ва хавфсизлигини таъминлаш, юқори давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ўзаро алоқаларини такомиллаштириш зарур эди.
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш 12-ўринда, миллий даромад ишлаб чиқариш собиқ иттифоқдош республика орасида 2 хисса паст эди.

## “ЛОЙИХА” методи

“Лойиха” методи - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гурӯхларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиши, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиши ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талааб қиласидиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиха ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

Куйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган.



## ИЛМИЙ МАҶОЛА ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

Таълим олувчиларга модул мавзулари доирасида эркин мавзу танлайдилар, улар мавзу ҳусусиятидан келиб чиқсан ҳолда ўз илмий маҷолаларини тайёрлайдилар (ҳажм 4-5 варақгача)

“Инсерт жадвали”

Тинловчиларда маърузалар ва мустақил таълим жараёнида олган билимлари асосида назарий маълумотларни тизимлаштиришиб уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш, қабул қилинаётган маълумотларнинг тушунарлигини назорат қилиш аввал эгаллаган билимларини янгиси билан боғлаш қобилияларини шакллантиради. Тинловчилар ушбу жадвал асосида дарсда олган билимларини ўз билимлари билан таққослади, мавзу бўйича мустақил ишлаб, янги маълумотлар олади, уларни матнда қўйилган белгилар асосида жадвалга киритади.

#### **Намуна:**

Инсерт жадвали

### **Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотлар ва унинг жамиятни демократлаштиришдаги ўрни ва роли**

V	+	-	?

“V”- ..... ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

“+” ..... ҳақидаги билимларимга қарама-карши;

“-” ..... янги маълумотлар

“?” ..... мавзуга оид туғилган саволлар

#### **“Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда мухокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффакиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯхлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма маматериалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзуя якунланади.

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишини амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Ишбосқичлари	Фаолият шаклива мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li><li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li><li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li><li>✓ ахборот таҳлили;</li><li>✓ муаммоларни аниқлаш</li></ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гурухда ишлаш;</li><li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li><li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li></ul>

<p><b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<p><b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёrlаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши</li> </ul>

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**МАВЗУ №1.** XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири.

#### **РЕЖА:**

1. Қайта қуриш сиёсатининг Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий, сиёсий ҳаётига таъсири.
2. Мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти, қишлоқ хўжалигининг ҳолати.
3. Ўзбекистон сиёсий ҳаётидаги жараёнлар: кадрлар масаласи, “пахта иши” қатағонлари, ўзбек тилига давлат тили мақолмини бериш учун ҳаракатлар.
4. Ўзбекистон янги раҳбариятининг республика мустақиллиги йўлидаги ҳаракатлари. Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши.

**Таянч иборалар:** режалаштириши, инқироз, маъмурий-буйруқбозлик, яккахокимлик, таъқиб, номенклатура, съезд, миллий сиёсат.

#### **1.1. Қайта қуриш сиёсатининг Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий, сиёсий ҳаётига таъсири.**

Собиқ совет давлати иқтисодий қонуниятларига кўра гўёки социалистик ҳалқ хўжалиги тарқоқлигини бартараф этадиган “минтақавий бошқарув” иқтисодиётда тўлиқ йўлга қўйилган ва бу республикаларни марказ бошқарувига тўлиқ бўйсунишини таъминлаб қўйган эди. Шубҳасиз, Ўзбекистон ССРнинг ҳам бу минтақада тутган ўрни катта салоҳиятни касб этар ва республика саноати СССР саноатининг т аркибий қисми эди. Ўрта Осиё минтақаси мамлакатнинг энг катта аграр-иктисодий районларидан бири бўлиб, бу худуддаги ўзлаштирилган ерлар бутун СССРдаги ўзлаштирилган ерларнинг ярмига тенг эди. Мехнатнинг минтақавий бўлинишига кўра Ўрта Осиёда «Пахта» хомашё комплексини ривожлантириш тақозо этар, иттифоқда етиштирилган пахта хом ашёсининг 9/10, пилла ва қоракўлнинг 2/3, гуручнинг 1/3, қисми, жуннинг маълум миқдори, тамаки, мева, узум, полиз экинларининг аксарияти ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам айнан шу ерда етиштириларди. Социалистик тизимга кирувчи давлатлардаги тўқимачилик саноатида ишлатилаётган толанинг 30 фоиздан 97 фоизигача қисми эса Ўзбекистон ССРда етиштирилган пахта ҳисобидан таъминланарди.

1985 йилларда илмий ечимини топмаган ва ҳеч қандай илмий хulosалар, жаҳондаги илғор тажрибаларга асосланмаган «жадаллаштириш», чукур ўйланмаган ва коммунистик мафкура доирасидан чиқа олмаган “қайта қуриш” сиёсати ҳам жараёнларини жорий этиш билан ҳам собиқ совет давлатида юзага келган оғир иқтисодий ва ижтимоий аҳволни бартараф эта олмади. Аксинча “қайта қуриш” сиёсатида белгиланган вазифалар “изчил бўлмаганлиги

оқибатида республикаларда иқтисодий тақчилликни, инфляция нихоятда оғирлашиб кетди”.

## **1.2. Мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти, қишлоқ хўжалигининг ҳолати.**

XX аср 90 йилларига келиб социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва озодликка интилишнинг янги босқичи бошланди. Давлат бошқарувининг партиявий, синфий диктатура қонун -қоидаларига асосланган мезонлари, шовинистик муносабат, буюк давлатчилик ғоялари ҳукмрон бўлган совет давлатида бу даврга келиб иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка эришиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. СССР Олий Совети инқизотлик ҳолатлардан чиқиш йўлини топа олмай қолди. 1990 йиллар охирларига келиб марказ ва иттифоқдош республикалар ўртаси турли тушунмовчиликлар келиб чиқди. Сиёсий, иқтисодий ва хўжалик ҳаёти бошқарилмай қолди. 1990 йил 25 июлда СССР Президентлик Кенгаши СССР Министрлар Совети раисининг мамлакатни бозор иқтисодиётiga ўтказиш юзасидан қўшимча чоралар ҳақидаги ахборотини тинглади. 6 августда СССР Президенти М.Горбачев “Янги Иттифоқ Шартномасининг асоси сифатида бозор иқтисодиётiga ўтишнинг Иттифоқ Дастири Концепциясини тайёрлаш ҳақида” Фармони қабул қилинди. Тузилган комиссияга 1990 йил сентябрдан кечикмасдан Ҳукумат дастурини ишлаб чиқиш топширилди. 1990 йил 11 сентябрда РСФСР Олий Совети иккинчи сессияси С.Шаталиннинг “500 кун” Дастирини қабул қилди. Бироқ, СССР Олий Советининг 21 сентябрда бўлиб ўтган тўртинчи сессияси бу Дастурни қабул қилмади. 1990 йил 24 сентябрда сессия “Халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг кечикириб бўлмайдиган вазифалари”ни муҳокама қилиб, Ҳукумат дастури ва С.Шаталин дастуридан иборат ягона Дастур ишлаб чиқишга қарор қабул қилди. Бу борадаги мамлакатда учта кучлар манфаати тўқнашди.

Бу вақтда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғир эди. Ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўртacha даражадан икки ҳисса паст бўлди. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолган, республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртacha Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этган эди.

Юқоридаги маълумотларни асослаш учун қуйидаги жадвални келтириш жоиз.

### **1-жадвал**

#### **Собиқ Иттифоқдаги ўртacha ҳаёт даражасига нисбатан Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат**

№	Аҳоли жон бошига
---	------------------

1	Ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш	12-ўрин
2	Миллий даромад ишлаб чиқариш	2 хисса паст
3	Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	40 фоиз
4	Саноатдаги меҳнат унумдорлиги	40 фоиз
5	Кишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги	50 фоиз
6	Гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум истеъмоли	50 фоиз
7	Ойига 75 сўмдан кам ялпи даромад оладиганлар улуши (45 фоиз аҳоли)	2 хисса кўп

## 2-жадвал

### 1989 йилда Ўзбекистон аҳолиси жон бошига истеъмол қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари микдори (1 кишига килограмм ҳисобида)<sup>1</sup>

№	Маҳсулот турлари	СССР	ЎзССР
1	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	67	31
2	<i>Сут ва сут маҳсулотлари</i>	363	201
3	Тухум (дона)	268	119
4	Картошка	98	25
5	Сабзавот ва полиз маҳсулотлари	95	95
6	Мева ва резаворлар	41	27
7	Нон ва нон маҳсулотлари	129	167

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман, мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилди. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши СССРда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, республикада 45 фоизга борди. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмади. Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача таълим муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолди. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилган эди. Пахта яккаҳокимлиги, илмий асосланган алмашлаб экишлар бузилган, ернинг тинка-мадори қуриб, сув манбаларининг имкониятлари тобора камайиб бораётган ва у қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсир кўрсатган эди. Озиқ-овқат маҳсулотлари этиштириш чеклаб қўйилди ва аҳолини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кескинлашиб, Орол денгизининг фалокати бутун республикада ўзини кўрсата бошлаган эди.

### 1.3. Ўзбекистон сиёсий хаётидаги жараёнлар: кадрлар масаласи, “пахта иши” қатағонлари, ўзбек тилига давлат тили мақолмини бериш учун ҳаракатлар.

1980 йилларнинг иккинчи ярмига келиб Республикадаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, инқизорий ҳолатлар партия, совет, профсоюз, комсомол, маъмурий ва хўжалик ташкилотларида қатъиятсизлик, сустлик, социалистик мулкни талон-тарож қилиш, порахўрлик, чайқовчилик, кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш каби ҳолатлар билан боғланди ва «республикадаги иқтисодий қийинчиликларни Ўзбекистонга хос бўлган хусусият, бундай вазиятга таъсир этишнинг асосий йўли эса кадрлар билан ишлаш, уларнинг фаолиятидан “тўғри” фойдаланиш эканлигини, бу масалага “синфий ёндошиш уруш йилларида гидек зарурлигини”, таъкидланди. Саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, бошқа

<sup>1</sup>Батафсил маълумот учун қаранг: Қобилов Ш. Р. Мустақиллик ғойибдан келган эмас... – Т., 2012. – Б. 31.

ташкилотларнинг раҳбарлик лавозимида ишлаётганларнинг 70-90 фоизи бевосита “синфий курашлар мактабини ўтамаган” кишилар эканлигини таъкидлаб, республика ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги барча ўпирилишлар маҳаллий раҳбарларнинг айби билан юзага келди, деган фикрга таянди ва Ўзбекистон ССРга РСФСР ва мамлакатнинг бошқа республикаларидан раҳбар кадрларни юбориш тўғрисидаги таклиф билан чиқди. Шундан сўнг республикадаги “вазиятни изга солиш” мақсадида аввалги лавозимида ишлаб турган вақтида бирор марта ҳам ўзини кўрсатмаган, ўз ишининг устаси бўлмаган кадрлар юборилиб, масъул лавозимларга тайинлана бошлади. Натижада Ўзбекистон Компартияси МҚ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Прокуратураси, Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Министрлиги каби муҳим бошқарув бўғинлари шундай кадрлар қўл остига тушиб қолди. Улар республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг янада кескинлашишининг асосий сабабчиларига айлана бордилар. 1983-1985 йиллар оралиғида Ўзбекистонда 58.000 киши ишлаб турган лавозимидан олиб ташланди.

Бир вақтда Ўзбекистонга гўёки “пахта иши”ни текшириш учун СССР Прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Т. Гдлян бошлиқ 200 нафар кишидан иборат тергов груҳи юборилади. Бу “пахта иши”ни амалдаги бошланиши эди. Ўша йилларда “пахта иши” деб ном олган қатағонларга маҳаллий кадрларнинг фаолияти билан боғлиқ тарзда миллий, минтақавий воқелик сифатида баҳо берилди. Совет давлатини қамраб ола бошлаган инқизорий ҳолатларни мавжуд тузум негизида эмас, балки маҳаллий кадрларнинг фаолияти билан боғлиқ тарзда миллий, минтақавий воқелик сифатидагина “юзага келган салбий иллатларда” деб билган марказ бу ҳолатларни мансабни сунистеъмол қилиш, пораҳўрлик, қўшиб ёзишлар авж олишига олиб келган асосий омиллардан бири деб қаради. Натижада 1980 йилларга келиб Ўзбекистон тажриба-синов майдони сифатида танлаб олинди. Ўзбекистонга марказдан Ўзбекистонга тартиб, интизом ўрнатиш учун юборилган «десантчилар» эса маҳаллий шарт - шароитларни ҳисобга олмай, беписандта тарзда иш олиб бориб, ўзбек халқининг миллий манфаатлари, маданияти, қадр - қимматини поймол этдилар. Натижада “Ўзбекистон - тергов усуслари тажрибаси ўтказиладиган майдонга” айланиб қолди. Бу “тозалаш ишларидан” кўзланган мақсадни фақат иқтисодий “жиноятчилик”ни фош этиш эмас, балки мамлакат ҳаётидаги умумий салбий ҳолатларнинг аниқ бир кўриниши бўлган қўшиб ёзишга қарши ҳаракатларни тўхтатиш, “темир интизом” билан миллий кадрларни жазолаб, эркин фикрлайдиган зиёлиларни жиловлаш, республикаларда юзага келаётган ижтимоий-сиёсий кучларни бўғиб ташлаш, миллий онг, фуқаронинг фаоллигини ҳам бир тизгинда ушлаб туришдан иборат эди.

70 йилдан зиёд давом этган совет мустабид тузуми ва Коммунистик партия якка ҳукмронлиги даврида миллий урф - одатлар ва анъаналарга ҳам зарба берилди. АКШнинг Колгейт университети профессори М.Б. Олкотт XX асрнинг 90 - йилларида СССР ўрнида ташкил топган бирорта давлат мустақилликка тайёр эмас эди, деб ҳисоблайди. У XX аср 80-йилларида халқ оммасининг қарамлик ҳолатидан ва ижтимоий қийинчиликлардан норозилик

кайфияти кучайганини ва бу Ўзбекистонда ҳам мавжуд бўлганини жиддий қабул қилмайди<sup>2</sup>.

СССРда миллий тилларга бўлган муносабатни ўрганган хориж олимлари “халқларнинг мустаҳкам иттифоқи” каби совет расмий мафкуравий қарашларини жаҳон тараққиётига зид эканлиги ва бу тил масаласида ҳам яққол кўзга ташланиб турганлигини таҳлил эта олганлар. Уларнинг қарашларида “рус тилида сўзлашиш ва рус адабиёти билан танишиш совет халқлари маданиятини ҳавф остида қолдириб, уларнинг миллий ўзига хос жиҳатларини емирмоқда, миллий шаклларини йўқотмоқда”<sup>3</sup> деган фикрлар устун турган. П. Хенци, А. Штромас, М. Олкоттларнинг таъкидлашича, “рус тилини бошқа миллатлар ўрганиши масаласи имконият тариқасида эмас, балки зарурият шаклида ўртага қўйилган эди”<sup>4</sup>. М. Олкотт эса келажакда умумий тил негизидаги «ягона коммунистик маданият»ни шакллантириш йўлидаги ҳаракатларни “ҳаёлий бир ғоя” деб қарайди<sup>5</sup>. Унинг фикрича, СССРнинг миллий масаладаги асосий сиёсати кишилар тарихий бирлигининг янги шакли “совет халқи”ни шакллантиришга қаратилган<sup>6</sup>.

КПСС мафкуравий сиёсатининг СССР халқлари маънавиятига жиддий салбий таъсири натижасида жамиятда маданий - аҳлоқий муҳит заифлашди, маънавий қашшоқлик совет жамиятини ўзини ҳам тобора инқирозга етакловчи кучга айлана борди. 1986 йилда Ўзбекистон ФАнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтади, унда ЎзКП Марказий қўмитаси мафкура котиби Р.Абдулаева маъруза қилиб, зиёлиларнинг фаолияти партия талаблари асосида олиб борилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Мажлисда ёшлар таълим тарбиясида мафкуравий жараёнларнинг етарли эмаслигини кўрсатилган ҳолда, Амир Темур, Бобур Мирзо шахсига берилган ижобий таърифларга ўзгартиришлар киритилмагани ва бу ўтмишни улуғлаш ҳолатларига олиб келаётгани, республика олимлари бу ҳолатларини олдини олиш учун ҳеч қандай чоралар кўрмагани алоҳида таъкидланиб ўтилади. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг нашриёти бўлган “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилган М. Маҳмудовнинг “Ўлмас қоялар” асари ўтмишни қўмсанш, улуғлашдан иборат бўлган асар эканлиги алоҳида таъкидланади. Ўзбекистон Фанлар Академияси нашри бўлган “Фан ва турмуш” журналида чоп этилган “Мучал” мақоласи фанга қарши бўлган илоҳийликда, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали эса кейинги ўн йил давомида бирор маротаба ҳам диний “муаммоларга” бағишиланган мақолалар чоп этилмаганликда айбланади.

Бундай қарашлар ва ҳаракатлар охир-оқибатда миллий тилларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини пасайишига, хусусан XX асрнинг 50-60 йилларда ёқ ўзбек тили давлат идораларида, йиғилиш ва мажлисларда деярли муомаладан чиқиб кетишига, “қайта қуриш” йилларида ҳам компартия ўзининг чекланмаган ҳукм-

<sup>2</sup>Olcott M. B. Facing the future: twelve myths about Central Asia // Proceedigs of the Central Asian Conference on Regional Cooperation 5-7 June, 1995, Jake Issyk-Kul, Bishkek, 1995. – P. 89.

<sup>3</sup>Журнал матер. қаранг: // Вопросы литературы. – М., 1983. - № 6. - С. 66.

<sup>4</sup>Қаранг: Shtromas A. The Regal Position of Soviet nationalities E their Territorial Units accreting of the 1977 Constitution the USSR // The Russian Revive. -Stanford (Calif). Juki. 1978. Vol. 37. № 3.-P. 255-272.

<sup>5</sup>Olcott M.B.Yuri Andropov and tne «National Queston»//Soviet Studies, 1 Universiti of Glasgow, 1985. V. XXXVII.№1. - P.103.

<sup>6</sup>Olcott M.B. Yuri Andropov and tne «National Queston» ... –P. 114.

ронлигини қўлдан бермаслик мафкуравий ақидаларни рўкач қилиб миллий тилларни давлат тили даражасига кўтариш масаласини расмиятчилик даражасига чиқариб қўйишига, узоқ йиллар давомида шаклланиб келган қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарни «ўтмишнинг зарарли сарқити» сифатида таърифлашига, маънавиятнинг узвий қисми бўлган динни “хурофот ва бидъат” деб талқин қилинишига ва шу асосда миллатларни қарамлик ҳолатида сақлаб туришга ҳам асос бўлди ва “умумсовет” маросимлари ва байрамлари анъана тусиға айлана бора бошлади. Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган, узоқ йиллар давомида нишонлаб келинган “Наврӯз” байрами ҳам айнан мана шу йилларда таъқибга учради. XX асрнинг 80- йилларнинг ўрталарида “Наврӯз” байрамини Ўзбекистонда умумхалқ байрами сифатида нишонлаш масаласида пайдо бўлган тўсиқлар қаттиқ тортишувларга ҳам сабаб бўлди. “Наврӯз” байрамига қарши ҳаракатлар ҳам миллий маданиятларни қоралаш ва чеклашга қаратилган тадбирларнинг бири эди. Ислом динига алоқаси бўлмаган байрамга “диний” деган тамға босилди. Олиб борилган ҳаракатлар натижасида 21 мартаңдан 21 апрелгача бўлган кунларни “Наврӯз” байрамини (чунки атеистик ва антигуманистик коммунистик ғоялар ва тазиқ кучли бўлган) “Инсонийлик ва табиатни эъзозлаш ойлиги”, деб эълон қилиш тавсия этилди. Шу муддат ичида 1985 йил 25 июля мамлакатда “Хотира куни” белгиланиб, у ҳар йили март ойининг сўнгги якшанбасида нишонлаш, “Биринчи пушта”, “Биринчи экин”, “Дон, майса ва сув куни”ни, болаларнинг “Бойчечак” байрамини ва бошқа маросимларни ўtkазиш белгиланди. Бу йилларда динга ва диний қадриятларга, диний идораларни қаттиқ назорат остига олиш, уларнинг сонини камайтириш ва фаолиятини доимо назорат остида олиб туриш ҳам кучайди. Брэкэр Ханснинг “Совет Иттифоқида ислом...” номли мақоласида ёзилишича, совет давлатининг динга нисбатан олиб борган сиёсатида “Ўрта Осиёда ислом ўчогини йўқ қилиш, шу йўл билан маҳаллий халқларнинг миллий онги ўсишига таъсир этиш мақсадлари кўзланган”<sup>7</sup>. Бундай фикрлар ҳинд олими Шамсуддин, покистонлик олим Мухаммад Анвар Хон ва бошқаларнинг мақолаларида ҳам илгари сурилади<sup>8</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов диннинг маънавий, ижтимоий, тарихий илдизлари, инсон камолотидаги ўрни ва аҳамияти устида тўхтаб, мустақил тараққиётимизнинг ilk босқичларидаёқ қуидаги теран фикрларни айтган эди: “Ислом инсон покланиши, руҳий қудрат олиши, қалбан уйғониши манбаидир. Шу пайтгача бизга дин афъондир, деб келишди. Диндорлар қувғин қилиндилар. Ота-онасига жаноза ўқиганлар жазога тортилдилар. Хуллас, не хунарлар кўрсатмасинлар ислом яшашдан тўхтама-ди. Нега? Чунки у бизнинг онгимиз, шууримиз, ҳаётимиз, борлиғимиздир. Бугун ана шу дин орқали вужудимизга мусаффолик, дилимизга иншооллох, поклик кириб

<sup>7</sup>Brace Hans. The Islam in the Soviet Union and the Soviet Union and the Soviet Policy towards the Middle East (East-West Publishing Company Ltd). – New-York, State University, 1983. Vol. VIII. № 44. – P. 202.

<sup>8</sup>Mohammad Anwar Khan. Muslims of Soviet Russia. A Survey // Central Asia. – Peshawar, 1985. N 16. – P. 1-18; Shams-ud-Din. Soviet Religions Policy in Uzbekistan. Culture published by the Islamic Culture Board. – Hydirabad – India. 1984. Vol. LVIII. № 3.July. – P. 201-216.

келмоқда. Ахлоқ-одоб, маърифат яна хонадонларимиз файзига, одамлар хислатига айланишида исломнинг ўрни бениҳоя бўлмоқда”<sup>9</sup>.

Шу йилларда кишилар доимо эътиқод қилиб, тоза покиза сақлаб келган муқаддас қадамжоларга кишиларнинг келиши ҳам қаттиқ назорат остига олинди. Масалан, ўша даврда республикада 74 та муқаддас қадамжолар бўлиб, уларнинг фаолияти доимо партия ташкилотлари ва маъмурий идоралар диққат эътиборида бўлиб келган. Бу жойларда турли атеистик бурчаклар совет давлати “доҳий”ларининг ҳаётини ёритувчи музейлар ҳам ташкил этилган эди. Биргина Сурхондарё вилоятининг ўзида 647 та “ёш тарихчи”, “ёш атеист”, “ёш маърузачи” тўгараклари фаолият олиб борарди. Таъмирланиб, ён-атрофи ободонлаштирилган ёдгорликларга турли муассаса ва идоралар жойлаштирилар, тарихий обидаларга “эскилик сарқити” сифатида қаралар ва асосан хўжалик эҳтиёжлари мақсадларида, чойхона, дўкон, меҳмонхона сифатида фойдаланиларди.

Умуман, бу даврда республика барча асосий иқтисодий, ижтимоий, маънавий жараёнлар бўйича анча мураккаб ахволда бўлиб, ҳатто, аҳоли жон бошига ялпи ижтимоий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича иттifoқдош республикалар орасида 12 – ўринни, даромад даржаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охирги ўринлардан бирини эгаллаб келди.

#### **1.4. Ўзбекистон янги раҳбариятининг республика мустақиллиги йўлидаги ҳаракатлари. Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши.**

1990 йил баҳори ва ёзида Ўзбекистонда ҳам ҳалқ оммаси ошкоралик ва демократлаштириш, ўзининг тарихий ўрни ва ҳозирги замонни танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиб, ўзларининг миллий ва маънавий қадрятларини қайта тиклаш, ўз ҳақ-хукуқлари, жумладан, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳамда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан марказдаги иттифоқ ҳокимияти тузилмаларига қарамлиқдан халос бўлиш хукуқларини амалга оширишдан тобора кўпроқ манфаатдор эканликлари аён бўла борди.

1989 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари қилиб сайланган И. Каримов янги раҳбар сифатида ўша вақтлардаги ижтимоий-иқтисодий зиддиятли жараёнларга бефарқ қараб тура олмади. У фақат республика манфаатини, мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартиришни раҳбар фаолиятидаги бош мезон деб билади ва бошқалардан шуни талаб қиласди. Мана шуларнинг ҳаммаси жамиятда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни илдам ва самарали равишда амалга ошира оладиган, республика фуқароларини давлат йўли билан ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга, аввало, қонун чиқарувчи, ижро қилувчи, суд ҳокимиятларининг аниқ-равshan ажralиб туриши ҳамда фаолият кўрсатиши асосида Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетига эришиш йўлини шакллантириш асосида мустақил миллий ўзбек давлати тузиш чораларини кўра оладиган институт-президентлик бошқаруви институтини яратиш ва ташкил қилишни зарур қилиб қўйди.

<sup>9</sup>Қаранг: Бизнинг ўз йўлимиз бор. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод И.А.Каримовнинг “Ҳалқ сўзи” рўзномаси саволларига жавоблари // Тошкент ҳакиқати. 1991, 19 декабрь.

1990 йил 4-6 июнда КПССнинг навбатдаги съездига тайёргарлик кўриш доирасида Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг биринчи босқичи ўтказилди. Съездда республика янги сиёсий раҳбариятининг шижаоти ва ташаббускорлиги яққол сезилиб турди. Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И.А. Каримов “Қайта куришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва жумхуриятнинг янги системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи ҳақида” сиёсий маъруза қилди. Маърузада Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга қуидагича баҳо берилди:

Ижтимоий-сиёсий соҳада рўй бераётган жараёнлар ҳаммани ташвишга солмоқда. Қайта куриш туфайли юзага келган демократия ва ошкоралик анархия ва сафсатабозлиқдан етарлича ҳимоя қилинган эмас.

Интизом ва тартиб кўнгилдагидек эмас, жиноятчилик кўпаймоқда, одамларнинг шахсий хавфсизлиги, хуқуqlари ва қадр-қиммати кафолатлари бузилмоқда.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларнинг аҳволи ёмонлашиб бормоқда. Мехнат унумдорлиги, миллий даромад пасаймоқда. Эҳтиёж буюмлари ва керакли хизматлар билан таъминланмаган иш ҳақининг ўсиши пулнинг қадрсизланишини кучайтирмоқда. Чайқовчилик, порахўрлик, хуфиёна иқтисодиёт кенг ёйилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси одамларнинг, айниқса, кам даромадли аҳоли табақаларининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатяпти.

Маданий-маънавий турмушда қадрсизланиш рўй бермоқда: омма сиёсатга кўпроқ қизиқиб, унинг фаоллиги ошиб бориши билан бирга, жамиятнинг ғоявий ва ахлоқий негизларини бузишга, умуминсоний қоидалар ва миллий қадриятларни менсимасликка уриниш ҳоллари кам эмас. Мамлакатнинг барча жойларида бўлгани каби республикамиз меҳнаткашлари ҳам мана шу бузғунчилик жараёнларидан ташвишга тушмоқдалар: хўш, жамиятимиз қаёқقا қараб бораяпти? Бу салбий наҳотки қайта куришнинг муқаррар натижаси, йўлдоши бўлса? Ёки бу нарса сиёсий раҳбарликдаги хатолар, ислоҳотларнинг аниқ режаси йўқлиги оқибатларини пайқаш ва уларнинг олдини олиш мумкинлигидан гумонсираш сабабли эмасмикин? Бу салбий жараёнлар наҳотки хатарли томонга бораверса?

Биз Ўзбекистон ССРнинг ҳақиқий сиёсий суверенитети, иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган йўлларини ва амалий ҳаракатларини белгилаб олишимиз керак”<sup>10</sup>. 1990 йилда бутун Совет Иттифоқи иқтисодиётида бўлгани сингари Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам танглик ҳолатлари ва инқирозни бошдан кечираётган эди. И.А.Каримов Ўзбекистондаги танглик ҳолатини таърифлар экан, унинг сабабларини қуидагича теран таҳлил қиласи: Шу қадар катта бойликларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай иқлим шароитларига эга бўлган республикамиз асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича мамлакатда охирги ўринлардан бирига – ҳақли равишда танг ҳолат, деб аталган аҳволга тушиб қолганининг сабаби нимада? Назаримда,

<sup>10</sup>Каримов И. Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан //

Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 163-164 бет.

бунинг жавоби шундай бўлмоғи керак: 30-йиларнинг бошиларида иқтисодиётга раҳбарлик қилишни маъмуриятчилик, буйруқбозлиқ усуллари ғалаба қозониб, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи қучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди. Хўш, бу иллатлар нималарда намоён бўлди? Аввало шундаки, бизнинг республикамиз асосан хом ашё базаси, саноат министрликлари ва идорала-рининг мўмай хом ашё манбай деб ҳисобланар эди. Ўлканинг маҳаллий, иж-тимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмади. Иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон ССРнинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмади”<sup>11</sup>. И.Каримов маъruzасида Ўзбекистон ССРда бозор муносабатларини жорий қилиннинг объектив зарурлиги алоҳида қўрсатилиб, унда шундай нуқтаи назар таъкидлаб ўтилдики, унга мувоғик, бозор иқтисодиётига ўтиш аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар мажмуи билан биргаликда амалга оширилиши зарур эди.

Республиканинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларга доир муаммоларнинг бутун мажмуини ҳал қилишда муҳим бўғин-Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини мустаҳкамлашдан, унинг чинакам сиёсий мустақиллигини таъминлашдан иборат деб ҳисоблади. Бироқ мафкуравий фаолиятнинг яхлит ва барқарор концепцияси Ўзбекистонда ҳали мавжуд эмас эди. Шу боис миллий маданиятни қайта тиклаш Ўзбекистон Компартиясининг асосий мафкуравий муаммоси сифатида илгари сурилди. Ўзбек тилини давлат тили сифатида татбиқ қилиш соҳасини кенгайтириш, республикада яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг тилига доир, шунингдек, миллий маданий талабларни қондириш юзасидан катта ишлар амалга оширилиши лозим эди. И.Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон сиёсий раҳбарияти республикада юзага келган ижтимоий-иқтисодий таназзулдан чиқиши чораларини Марказдан сўрамаган ҳолда мустақил равишда белгилаш йўлидан борди. Шунга кўра, республика ҳалқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини белгилаш бош вазифалардан бири мақомида белгиланди. Дастлаб 1990 йил 31 марта Ўзбекистон ССР Олий Советининг “Ўзбекистон ССР ҳукуматининг келгусидаги фаолияти дастури ва Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий, ижтимоий-маънавий мустақиллигини шакллантиришнинг асосий концепциялари тўғрисида” қарор қабул қилинди. 16 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида жумхуриятнинг иқтисодий мустақиллиги ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларига бағишлиган кенгаш бўлиб ўтди ва унда И.А.Каримов нутқ сўзлади. Шундан сўнг “Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепцияси”ни тайёрлашга киришилди. “Ўзбекистон ҳалқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари” лойиҳаси 1990 йил 17 октябрда республика матбуотида умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. Ўзбекистон аҳолиси бу муҳим хужжатни муҳокама

<sup>11</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 168 б.

қилишда фаол иштирок этди. 1990 йил 29 октябрда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бу ҳақдаги қарори қабул қилинди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг янги сиёсий раҳбарияти вужудга келган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий инқироздан чиқиш учун халқ оммасига таянган ҳолда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни илдам ва самарали амалга ошириш, аҳолини давлат йўли билан ижтимоий ва ҳукуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигига эришиш асосида ўзбек халқининг миллий давлатчилигини барпо қилиш йўлида ҳаракат қила бошлади. КПСС МК июль пленумида (1990 йил 13-14 июль) янги сайланган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси таркибига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И.А. Каримов ҳам киритилди. (1991 йил 22 августда И.А. Каримов баёнот бериб, КПСС МК Сиёсий бюросининг ҳозирги таркибида қола олмаслигини билдиради.)

КПСС МК ва партия олий сиёсий раҳбариятининг белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги ноизчиллиги ва ишдаги жиддий камчиликлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И.А. Каримовнинг КПСС XXVIII съездидан сўзлаган кескин танқидий нутқида ўз аксини топди. КПСС XXVIII съездининг қарорлари ва кўпгина бошқа муҳим масалаларнинг ечими Ўзбекистон вакилларини қаноатлантирумади. Шу сабабли, илгари ҳам қарор қилинганидек, 1990 йил 7-8 декабрда Тошкентдаги Санъат саройида Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда И.А. Каримов “Жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳамда Ўзбекистон Компартиясини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишга тайёргарлик борасидаги вазифалар тўғрисида” маъруза қилди. Ўзбекистон коммунистларининг съезди “Сиёсий ва иқтисодий суверенитет учун, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва Ўзбекистон аҳолисининг муносаб турмуш шароитини яратиш учун” ҳаракат дастурини қабул қилди. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бошқа республикалардан орқада қолаётганлигини эътироф қилиб, съезд бу орқада қолишнинг сабабларини аниқлаш, жамиятни бирлаштириш йўлини топиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш, барча динларнинг муҳлислари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, оила, хотин-қизларнинг аҳволи ва ёшларнинг келажаги тўғрисида ҳақиқий ғамхўрлик кўрсатиш кераклигини айтиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқи республика раҳбариятининг юзага келган вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодий мустақилликни, сиёсий суверенитетни таъминлаш борасидаги фаолиятини қўллаб-куватлади. Бунинг сабаби Ўзбекистон раҳбарияти халқнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олишига, унинг манфаатларини кўзлаб иш қилишга ҳаракат қилганлигига эди.

Умуман, ер шарининг 1/6 қисмини етмиш йилдан зиёд вақт давомида ўз измида ушлаб турган коммунистик мафкурага асосланган совет давлатининг барҳам топиши, аслида XX аср сиёсий ҳаётида ичиди шубҳасиз энг катта сиёсий воқелик бўлди. Жамият тараққиёти ва ривожи учун мутлақо хилоф бўлган марксча-ленинча деб ном олган “коммунистик ғоя”, зўрама-зўраки

бирлаштирилган, “совет халқлари”ни ўз ичига олган империяни XX аср 80-йилларида таназзулга учрашига бош сабаб бўлди. XX аср сўнгидаги советлар мамлакатида юз берган улкан сиёсий воқеалар жаҳон тараққиётини ҳам ўзгартириб юбориб, қарама - қаршилик, синфий зиддият, ўзаро камситишлар ва зўравонлика асосланган, бесамар “социалистик тараққиёт” йўлини маҳкам ушлаган, дунёning олтидан бир қисмида умумбашарий ғояларни рад этиб, фақат куч ишлатиш ва халқларни қарамлиқда сақлаб туриш йўлини амалга ошириб келган йирик ва сўнгти империялардан бири СССРнинг парчаланиб кетиши дунёда янгича сиёсий, ижтимоий, маънавий қиёфа касб этди. Мустамлакачиликнинг совет услугига асосланган мустабид империя ўрнида умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва демократияни тараққиётининг асосий йўналиши қилиб олган мустақил давлатлар пайдо бўлди. Янги пайдо бўлган МДҲ давлатлари ўзларининг сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий-маънавий тараққиётининг янги босқичига қадам қўйдилар. Ўзбекистон Республикасининг қарамлиқ асоратидан қутулиб, давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги халқимиз тақдирида ҳам буюк ўзгаришлар ясади.

### **Назорат саволлари:**

1. XX аср 80 - йиллари Ўзбекистондаги ижтимоий – иқтисодий аҳвол
2. Мамлакатдаги иқтисодий инқирозлар ва уларнинг республикада акс этиши
3. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва уларнинг барқарорлаштириш йўлидаги дастлабки ҳаракатлар
4. Экологик ҳолатнинг оғирлашиб бориши сабаблари ва оқибатлари
5. Мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий ҳаёти
6. Иқтисодий барқарорликка эришиш йўлидаги дастлабки ҳаракатлар

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т. 1. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т. 2. – 382 б.
3. Каримов. И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т. 3. – 366 б.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. Т. 6. – 429 б.
5. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. Т. 7. – 410 б.
6. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. Т. 9. – 432 б.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. Т. 13. - 448 б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - 440 бет.

10. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили - буюк келажагимиз гаровидир. Халқ сўзи. 2012, 10 май.
11. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. -Т., Ўзбекистон. 2015.
12. Азизхўжаев А.Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. –Т., 2001.
13. Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши. –Т., 2003.
14. Каҳрамонов Т. Возвращение из «ада». –Т.: Ёзувчи, 2000.
15. Левитин Л. Ўзбекистон туб бурилиш палласида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
16. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик: тарихий тажриба ва ҳозирги замон. Маъсъул муҳаррир Р.Х.Муртазаева. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.
17. Юнусова X. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX аср 80-йиллари мисолида). –Т.: Abu matbuot-konsalt, 2009.
18. Қорақалпоғистон тарихи (1917-1994 йй.). - Нукус, 1995.

#### **Интернет сайatlari:**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
3. [www.google.uz](http://www.google.uz).

**З-МАВЗУ: Миллий давлат тизимининг барпо этилиши, бошқарувда янги усулларнинг шакллантирилиши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимяти қарор топиши.**

**РЕЖА:**

- 2.1. Ўзбекистонда миллий давлат тизимининг барпо этилиши ва бошқарувда янги усулларнинг шакллантирилиши.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши.
- 2.3. Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат ҳокимяти тузилиши асосларининг яратилиши. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимяти қарор топиши.

**Таянч иборалар:** миллий давлатчилик, бошқарув, сиёсий, давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият, сиёсий партия.

**2.1. Ўзбекистонда миллий давлат тизимининг барпо этилиши ва бошқарувда янги усулларнинг шакллантирилиши.**

XX асрнинг 80 – йиллари иккинчи ярмида собиқ Иттифоқда рўй берган таназзул Ўзбекистонда Президент лавозимини таъсис этиш заруриятини келтириб чиқарди.

Президент лавозимининг жорий этилиши республика мустақиллиги учун кураш кучайган ва миллий давлатчилик ривожида принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилаётганлигини англатар эди.

Шу билан бирга, республикада президентлик бошқаруви ҳокимият механизмининг самарадорлигини, мамлакатдаги барқарорлик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг самарадорлигини қатъяян ошириш воситаси бўлиб хизмат қилиши лозим эди. Айниқса, Ўзбекистон каби кўп миллатли мамлакатда ижтимоий-иктисодий ҳолат оғирлашиб бораётган бир даврда жамиятни жипслаштириш янада муҳим эди. Бундай шароитда сиёсий тизимнинг янгиланаётган механизми, аввало, шунга қўмаклашмоғи, бу тизимнинг ишларида ички ва ташқи сиёsat, стратегик йўналишлар ва уларни амалга ошириш соҳасидаги амалий ишлар мужассамлашиб, яхлит ҳаракатга айланиши лозим эди.

Республикада президентлик лавозими мураккаб вазиятда таъсис этилди. Қайта қуриш, ошкоралик вазиятида халқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолига зарур турмуш шароитларини яратиб беришда кўплаб мураккаб, хал қилинмаган муаммолар борлиги аниқланди. Айрим вилоятларда ижтимоий-сиёсий вазият издан чиққан, қонунни бузиш ҳоллари кўпайган эди. Халқ бундай ноқонуний

хатти-ҳаракатларнинг зудлик билан пайини қирқиши талаб қилаётган эди. Буларнинг барчаси президент лавозимини кечиктирмасдан жорий этишни талаб қилди. Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президенти истисно тариқасида республика Олий Советининг 1990 йил 24 марта ги сессиясида сайланди. Ислом Абдуғаниевич Каримов яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССРнинг Президенти этиб сайланди.

Давлат ҳокимиятининг муҳим субъекти сифатида президент лавозимининг жорий этилиши, унинг давлат функцияларидан келиб чиқиб ўз вазифаларига эга бўлиши, давлат механизмида, хусусан, ҳокимият тармоқлари тизимида ўз ўрни ва ролини топиши ҳамда фаолият юритишининг ҳукукий асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳотлар ва ўзгаришларни ўз ичига олди. Бу йилларда “Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозими демократия жараёнларини янада ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни чукурлаштириш, конституцион тузумни, фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш мақсадида таъсис этилди ҳамда унинг конституциявий мақоми Ўзбекистон Республикасининг бошлиғи этиб белгиланди. Қонунда фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишига кафил бўлиш, республиканинг суверенитети, хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, мамлакат ичкарисида ва халқаро ташкилотларда республика номидан иш кўриш, Олий Кенгашга ҳар йили республикадаги ҳолат ҳамда ички ва халқаро ҳаётнинг энг муҳим масалалари юзасидан ҳақида маъruzalар тақдим этиш, айrim шахсларни лавозимга тайинлаш ва озод қилиш бўйича ваколатлар, республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжихат ишлаши-ни таъминлаш, ҳукуматнинг қарорлари ва фармойишлари ижросини тўхтатиб қўйиш, қонунларни имзолаш, фахрий унвонлар бериш, фахрий ёрлиқлар билан мукофотлаш, республика фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этиш, судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этиш ва бошқалар Президент ваколатлари сифатида қайд этилди.

Президентлик институти таъсис этилганидан сўнг кенг қамровли ислоҳотлар бошланди. Биринчи Президент И.Каримовнинг ташабbusи билан мамлакатда юзага келган вазият ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш учун 1991 йил 25 августда бевосита марказга бўйсунадиган республика Ички ишлар вазирлиги, Давлат ҳавфсизлик қўмитасини Ўзбекистоннинг юрисдикциясига ўтказиш, собиқ Иттифоқ Ички ишлар вазирлигининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ички қўшинларини бевосита Президентга бўйсундириш ҳақида Фармонлар қабул қилинди. Бу ҳам президентлик институтининг тезкор ва аниқ мақсадли қарор қабул қилишга имкон берувчи бошқарув шакли эканлигидан далолат беради.

1991 йил 18 ноябрда президентлик сайловларини тартибга солувчи “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун<sup>12</sup> қабул қилинди. Марказий Осиё минтақасидаги барча республикалар орасида биринчى бўлиб, 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муқобиллик асосида сайлов бўлиб ўтди.

1992 йил 8 декабря президентлик институтига оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX бобида мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур боб Ўзбекистон Республикаси Президентига бағишланиб, унинг 89-моддаси Президентнинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ҳамда хукуқий мақомини белгилаб берди. Унда “Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади” деган қоида мустаҳкамланди.

Демократик хукуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг пойдеворини барпо этиш ҳамда давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши зарурати ўтиш даврида Президент зиммасига катта масъулият ва стратегик вазифаларни ҳал этишни юклаш баробарида унинг етарли ваколатларга эга бўлишини ҳам тақозо этди. Президент давлат, айни вақтда, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида ислоҳотларнинг ташаббускори, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини ҳаракатга келтирувчи асосий кучга айланди.

Парламентаризмнинг ривожланиши босқичма-босқичлилик тамойили асосида олиб борилди. Акс ҳолда ижтимоий-сиёсий бекарорлик ва ҳокимиятлар мувозанати йўқ пайтда эндиғина фаолиятини бошлаётган ёш парламент демократик институт доирасидан чиқиб кетиб, сиёсий инкиroz келтириб чиқарувчи воситага айланishi мумкин эди. Бундай шароитда қонунчилик иккинчи даражали вазифага айланади, у факат сиёсий курашни давом эттириш ёхуд лоббилар фаолияти учунгина ишлатиладиган қўғирчоққа ўхшаб қолади.

Ўзбек парламентаризми тарихига назар солсак, 1990-1994 йилларда мамлакатимиз парламенти Олий Кенгаш номи билан аталиб, 150 депутатдан иборат эди. 1995-2004 йилларда Олий Мажлис номи билан аталган 250 депутатдан иборат бир палатали парламент шакллантирилди. Бир мандатли ҳудудий сайлов округларидан сайланган депутатлар таркибида Халқ демократик партиясидан, “Адолат” социал-демократик партиясидан, “Ватан тараққиёти” партиясидан, “Миллий тикланиш” партиясидан депутатлар бор эди. Парламент фракциялари илк бор ташкил этилди. Бундан ташқари, депутатларнинг маълум бир қисми Қорақалпоғистон парламенти, вилоятлар ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан сайланди. Шунга кўра, фракциялар билан бир қаторда парламент фаолиятида ҳокимиятларнинг вакиллик органларидан келган 120 депутатлик блоки ҳам бор эди. Депутатларнинг ярмидан кўпине 4 маротаба бўладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиялари вақтида қонунчиликни амалга ошириб, аввалги иш ўринларида ўз вазифаларини адо этардилар. Олий Мажлиснинг муентазам ва самарали иш фаолиятини унинг Кенгаши (президиуми), қўмиталари, комиссиялари, шунингдек, доимий асосда

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1992. 1-сон. 34-модда.

ишлийдиган депутатлар таъминлаб турарди.

Бу даврда демократик парламентаризм маданиятини ривожлантириш учун шароит яратилди, профессионал депутатлар, парламентда хизмат қилувчи юксак малакали ходимлар тарбияланди, парламентнинг обрў-эътибори ошди, қонунчиликнинг илмий базаси ҳам ривожлана бошлади. Парламент механизмининг равнақи, бир қатор парламентлик вазифаларининг кучайтирилиши, парламентга қўшимча ваколатларнинг берилиши турли назариялардан келиб чиқиб эмас, балки тўпланган тажриба асосида амалга оширилди.

Парламент фаолиятини кучайтиришга, шу жумладан, қонунчилик жараёнини тўла профессионаллаштиришга, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг сифатини янада оширишга бўлган эҳтиёж - икки палатали парламент тизимиға ўтишни тақозо этарди. Бундан ташқари, тақсимланган вакилларга ҳам эҳтиёж туғилди, яъни қуи палата партиялар вакиллари билан шакллантирадиган, юқори палата жойлардаги ҳокимият органлари вакиллари (Қорақалпоғистон, Тошкент шахри ва вилоятлардаги депутатларнинг маҳаллий кенгашларидан биридан) ва мамлакат Президенти тайинлайдиган фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият ҳаётида катта амалий тажрибага эга бўлган алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролардан иборат 16 нафар депутат (жами 100 нафар сенатор) билан тўлдириладиган бўлди.

Бу ўзбек парламентаризми тарихидаги муҳим давр эди, зеро айнан мана шу даврда қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи олий давлат вакиллик органининг ишида бирмунча юксак профессионал даражани таъминлашга доир имкониятлар аниқлаб олинди. Бундан ташқари, бу давр мураккаб тузилмали парламентга, ҳокимиятнинг барча шоҳобчаларида барқарорлик ва иш меъёрларини сақлаган ҳолда қонунчилик, давлат бошқаруви ва ташқи сиёsat соҳасида кучли конституциявий ҳокимиятнинг парламенти даражасига босқичмабосқич ўтиш энг тўғри йўл эканлигини ҳам тасдиқлади.

Олий Мажлис 2001 йил 6 декабрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра, 2002 йил 27 январда референдум ўтказилди. Унинг якунлари асосида “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг хуқуқий асосларини белгилаб берди.

2002 йил 12 декабря Олий Мажлиснинг 10-сессияси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунлар ҳамда уларни амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. 2003 йилнинг 24 апрелида эса “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тўпланган парламентаризм тажрибаси, ўзбек халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган ушбу қонунлар икки палатали парламентимиз ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий шаклларини аниқ белгилаб берди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз тарихида илк бор Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат тарзда иш бошлади.

Шу ўринда Парламент ёш давлатнинг суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилишда иштирок этганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ва бошқа мустақиллигимизни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган нихоятда муҳим бўлган бир қатор қонунларни қабул қилди.

Олий Кенгашнинг ўн иккинчи сессияси 1994 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи сайловни 1994 йил 25 декабрда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Уч босқичда (1994 йил 25 декабрда, 1995 йил 8 ва 22 январда) бўлиб ўтган сайлов якунларига биноан 245 нафар депутатдан иборат таркибдаги парламент шакллантирилди. Сайлов кўп партиявийлик асосида ўтказилди.

Олий Кенгаш ўрнига Ўзбекистон Республикасининг бир палатали парламенти - Олий Мажлис шакллантирилган вақтда Олий Мажлис таркибида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 69 нафар, «Адолат» социал-демократик партиясидан 47, «Ватан тараққиёти» партиясидан 14, “Миллий тикланиш» демократик партиясидан 7 нафар депутат бўлиб, депутатларнинг қолган қисмини ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган шахслар ташкил этди.

Иккинчи чақириқ (2000-2004 йиллар) Олий Мажлисга сайлов ҳокимият вакиллик органлари билан бир қаторда бешта сиёсий партия ва сайловчилар ташаббускор грухлари иштирокида бўлиб ўтди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлисда 11 нафар депутатни бирлаштирган “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси, 10 нафар депутатдан иборат “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси, 20 нафар депутатга эга бўлган “Ватан тараққиёти” партияси фракцияси, 34 нафар депутатни ташкил этган “Фидокорлар” миллий демократик партияси фракцияси, 49 нафар депутатдан иборат Халқ демократик партияси фракцияси, 107 нафар кишидан иборат ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ва 16 нафар сайловчилар ташаббускор грухларидан сайланган депутатлар блоки рўйхатга олинди. Кейинчалик “Ватан тараққиёти” ва “Фидокорлар” партиялари битта “Фидокорлар” партиясига бирлашганлиги муносабати билан иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида уларнинг парламентдаги фракциялари аъзолари ҳам бирлашиб, 54 нафар депутатни бирлаштирган битта фракцияни ташкил этдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидан бошланиб, бунда янги икки палатали Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари амалда ўз ишларига киришдилар. Бугунги кунга келиб, Олий Мажлис палаталари фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўла шаклланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг салоҳияти ўсиб, сифат жиҳатидан ўзгарди. Бу йилларда кўп партияйийлик асосида қонун чиқарувчи ҳокимиятга сайловлар натижасида Ўзбекистонда замонавий қонун чиқарувчи ҳокимият карор топди. Таъкидлаш жоизки, икки палатали парламент ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ўз тараққиётида янги поғонага кўтарилди. Энг асосийси, гарчи қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партияларнинг фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрларини эътиборга олиш амалиёти шаклланди.

## **1.2. Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосида миллий давлат бошқарув тизимининг яратилиши ва мустаҳкамланиши**

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигига эришилгандан кейин ўтган йиллар давомида барқарор ривожланаётган иқтисодиёт ва қучли фуқаролик жамиятига эга демократик хуқуқий давлатни шакллантириш йўналишида давлат бошқаруви соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Давлат бошқаруви соҳасидаги аниқ мақсадли вазифалар, бир томондан, қонунларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишини кафолатлаш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қодир давлат ҳокимияти ва бошқарувининг ҳам вертикал, ҳам горизонтал самарали бўлган тизимини яратишни талаб этарди. Иккинчи томондан, бу даврда бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам беришга; ижро ҳокимияти айрим вазифаларини марказий органлардан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказишга, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган, қонунчилик ва суд ҳокимияти, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик қилувчи бошқарувнинг уйғун тизимини яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар белгиланиб, босқичма-босқич амалга оширилди.

Биринчи босқич (1991-2000 йй.) – ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлик биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олди. Ушбу босқичда ўтиш даврида ҳокимият тақсимланишининг конституциявий тамоилии асосида давлат бошқарувининг тубдан янги тизими яратилди ҳамда иқтисодий ривожланиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилиш соҳасида янги бошқарув тузилмалари шакллантирилиб, мустаҳкамланди. Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиб, ижро ҳокимиятнинг бутун тизими ва механизмини босқичма-босқич ислоҳ қилишга киришилди. Биринчи босқичга хос асосий хусусият ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг янги тизимига ўтиш, ўтиш

даврида миллий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-хукуқий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида ижро этувчи ҳокимиятининг кучли, марказлашган тизимини барпо этишдан иборат эди. Энг муҳим масала янги тузумга ижтимоий ларзаларсиз, инқироз ҳолатларига йўл қўймай ва вазият устидан назоратни сақлаган ҳолда ўтишни таъминлашдан иборат эди.

Мазкур босқичда мамлакат олдида иккита асосий вазифа турар эди: бозор муносабатлари ва демократия талабларига мувофиқ равишда давлат аппаратини қайта ташкил этиш, айни пайтда, барқарорликни сақлаб, самарали ислоҳотлар учун шарт-шароит яратиш.

Ушбу босқич давомида тоталитар тизимдан демократик тизимга, қатъий маъмуриятчилик ва буйруқбозлиқдан иқтисодий дастаклар ва рағбатлар асосида ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи тартибга солишга мураккаб, баъзан оғрикли ўтиш амалга оширилди. Биринчи босқичда давлат бошқарувининг янги тизими яратилди. Миллий шарт-шароитлар талабига жавоб берувчи, 1992 йил 9 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойиши асосида ҳокимлик институти яратилди, у жойлардаги вакиллик ва ижро ҳокимиятининг ягона тўлақонли органи ҳисобланди.

1993 йилда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ти Конуннинг қабул қилиниши ҳукumatнинг ҳукуқий мақоми белгиланиши борасидаги ишларнинг мантикий давоми бўлди. Ушбу Конунда ва қатор меъёрий-хукуқий ҳужжатларда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий тамойиллари, таркибини шакллантириш тартиби, ҳукumatнинг ваколатлари ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан муносабатлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратини такомиллаштириш масалалари мустаҳкамланди.

Вазирлар Маҳкамаси таркибига, қонунга мувофиқ, Бош вазир, унинг ўринbosарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раҳбарлари, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари раҳбарлари киритилди.

1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ти Конунига мувофиқ, жойлардаги вакиллик ва ижроия органлари бошлиқларини сайлаш ва бўшатиш, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан муносабатлари, вилоят, туман ва шаҳар мол-мулки ва молиявий ресурсларни шакллантириш тартиби, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг бюджетга оид ҳукуқлари, вилоят, туман ва шаҳар бюджетининг даромади ва харажатлари каби масалалар тартибга солинди.

1994 йилда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ти Конуннинг қабул қилиниши жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимини мустаҳкамлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг мантикий давоми бўлди.

Ушбу даврдаги асосий вазифа давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклашга имкон берувчи самарали давлат бошқарувини ташкил этиш учун шарт-шароитларни яратишдан иборат эди. Макро даражада рақобат муҳитини,

бизнесни ривожлантириш, мамлакатда хорижлик инвесторлар учун қулай инвестиция мұхитини яратишиңи англаади.

*Иккінчи босқич (2001-2010 йй.)* – иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, қонунчилік, суд-хуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни ислоҳ қилишни таъминлашдағыт мұхим роль үйнаган давр бўлди. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида қабул қилинган бир қатор қонунлари ва Президент Фармонлари суд ҳокимиятини шакллантиришга қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Жиноят, Фуқаролик, Мәҳнат, Оила, Уй-жой кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг таркибини такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармонлари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг ушбу босқичидаги энг мұхим вазифалар сифатида бошқарув тузилмаларининг вазифаларини ўзгартириш, уларнинг ҳокимиятга оид, тартибга солиш ва назорат қилишга оид ваколатларининг тўхтатилиши ва тубдан қисқартирилиши, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашув ва тартибга солишга йўл қўймаслик каби вазифалар белгиланди.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ва “Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари ва яна бир қатор Фармон ва Қонунлар эълон қилинди. Ўзбекистонда маъмурий ислоҳотларнинг мутлақ янги босқичини бошлаб бериш ассоциация, давлат ва хўжалик бошқаруви мақомини, уларнинг асосий вазифалари ва ушбу ташкилотларнинг (вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар ва инспекциялар) рўйхатини меъёрий-хуқукий белгилаш ассоциация уларнинг функцияларини ажратиб берди.

2003-2004 йилларда ўтказилган маъмурий ислоҳотлар жараёнида 20 га яқин давлат бошқармаси қайта ташкил қилинди, 40 мингта яқин бошқарув ходимларининг штат бирликлари қисқартирилди. Бу, маълум маънода, корхоналар ва тадбиркорлик тузилмаларини уларнинг фаолиятига бюрократик аралашувларнинг турли шаклларидан ҳимоя қилиш имконини берди. Иқтисодиёт, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш борасидаги янги вазифалар, барча ҳокимият тармоқларининг мустақиллигини кучайтириш зарурияти давлат бошқаруви органларини муносиб такомиллаштирилишини тақозо этар эди.

Давлат, ижтимоий-иқтисодий қурилиш, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни чукурлаштириш масалаларини ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг роли ва мустақиллигининг кучайтирилиши 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тузатишлар киритилиши ва улар ассоциация “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинишига сабаб бўлди.

Ижро ҳокимиятини модернизациялаш мақсадида илгари Ўзбекистон

Республикаси Президенти эгаллаган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими бекор қилинди. 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир пайтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамаси Раиси ҳисоблананишини белгиловчи норма чиқариб ташланди. Қонунчиликдаги ўзгаришларга мувофиқ, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Олий Мажлиснинг икки палатаси ваколатига киради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзодини тавсия қиласди.

Айни пайтда аввал Президент томонидан тайинланган ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланадиган Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг номзоди бугунги кунда давлат раҳбари томонидан Бош вазир тақдимига кўра тасдиқланади. 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тузатишлирга кўра, белгиланган ушбу тартиб энг замонавий ва демократик талабларга, мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий-хукукий ривожланиш даражасига мос келади. Олий Мажлисга ва унинг юқори палатаси – Сенатга хориждаги дипломатик ваколатхоналарнинг раҳбарларини тайинлаш, Миллий хавфсизлик хизмати раисини тасдиқлаш, амнистия тўғрисидаги хужжатларни қабул қилиш ва бошка вазифалар топширилди.

Янги шакллантирилган Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Олий Мажлис палаталарига ўз ваколати давридаги фаолият дастурини тақдим қиласди; Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва иктисодий ривожланишининг асосий йўналишларини ва унга киритиладиган ўзгаришларни ишлаб чиқади ҳамда мамлакат парламентига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Қабул қилинган қонунларга кўра, Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил қиласди, балки Маҳкамама фаолиятининг самарадорлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларига раислик қиласди, унинг ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари бўйича қарорлар қабул қиласди.

Давлат бошқаруви ислоҳотларнинг ушбу босқичидаги энг муҳим натижаларни бошқарув тузилмалари функцияларининг ўзгариши, уларнинг ҳокимиятга хос, тартибга солувчи ва назорат ваколатларининг тўхтатилиши ва тубдан қисқартирилиши, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига тўғридан-тўғри аралашув ва тартибга солишга йўл қўймаслик ташкил этади. Ушбу босқичда вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва таркибини такомиллаштириш, уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилди.

Давлат бошқаруви органлари фаолиятини, шунингдек, ҳукукий ҳимоя тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий масъулиятини эркинлаштиришга йўналтирилган қатор меъёрий-хукукий ҳужжатлар қабул қилинди.

Адлия органлари билан ҳамкорликда тадбиркорликни, 2005 йилдан бошлаб эса прокуратура органларини ҳукукий ҳимоялаш тизими яратилди. Ушбу чоралар давлат ва назорат органларининг корхоналарнинг молиявий-

хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлик ва хуқуqlарини жиддий тарзда кенгайтиришга олиб келди.

Тадбиркорлик ва хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат органлари ташкил қилинди, ушбу органларнинг тадбиркорлик субъектларини моддий-техник ва хом ашё ресурслари билан таъминлаш борасидаги фаолияти такомиллаштирилди.

2011 йили Ўзбекистон Республикаси Конституциясига янги тузатишлар киритилди, улар давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга, шу жумладан, ижро ҳокимиятини янада модернизациялашга қаратилган эди. Конституциянинг янги таҳрирдаги 93-моддасига кўра, Президент ваколатларидан ижро этувчи ҳокимият девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш хукуқи, шунингдек, Бош прокурор ўринбосарларини лавозимиға тайинлаш ва бўшатиш хукуқи чиқарилди.

Тузатишларга мувофиқ, Президент эндиликда фақат Бош вазир тақдимига биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлаши ҳамда лавозимидан озод этиши кўзда тутилди. Бундан ташқари, давлат раҳбари ваколатларига Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш киритилди.

Асосий Қонуннинг 98-моддасида Бош вазир лавозимиға номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янги тартиби ўрнатилди. Эндиликда Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимиға номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичida уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади. Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан қўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ишончсизлик вотуми институти Ўзбекистоннинг хукуқий тизимида янгилик бўлди. Бунда, Бош вазир билан Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камидан учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Ишончсизлик вотуми билдирилган тақдирда Президент Бош вазирни лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қиласи. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўtkazilgанидан сўнг парламент палаталарига қўриб чиқиш ва

тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимиға номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади. 78-моддага киритилган тузатиш Олий Мажлис палаталариға мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколатларининг берилишини кўзда тутади. Ушбу қоида ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини сезиларди равишда кенгайтирди.

### **1.3. Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат ҳокимяти тузилиши асосларининг яратилиши. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимяти қарор топиши.**

Маҳалла мамлакатимизда кўп асрлардан буён мавжуд бўлса-да, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан кейингина у муносиб ижтимоий-хуқуқий мақомга эга бўлди.

1992 йилда Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармони билан “Маҳалла” Республика хайрия жамғармаси ташкил этилди, 1993 йилда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганинг ўзиёқ маҳалла институтининг давлат томонидан қўллаб-куватланаётганинг ёрқин далилидир.

Жамият тараққиёти такомиллашган сари ҳамда бозор муносабатларига ўтиш даврида, айниқса, фуқаролик жамиятини шакллантиришга оид янги ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши билан ушбу қонунни маълум нормалар билан тўлдириш эҳтиёжи сезилди. Шу боисдан ҳам 1999 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 апрелда эълон қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-куватлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 19 апрелда ишлаб чиқилган “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари ва Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг ривожланишида муҳим катта роль ўйнади.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, халқимизнинг хотиржам меҳнат қилишини таъминлашда маҳалланинг хизмати катта. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда фуқароларнинг онгли иштирок этишини мақсад қилиб, 1999 йил 19 апрелда “Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар хузуридаги маҳсус комиссиялар, «маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ва

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида”ги низомларни тасдиқлаш ҳакида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниб, республикамизнинг барча худудларида «Маҳалла пособони» жамоат тузилмалари ташкил этилди.

Ўзбекистон сиёсий тизими замонавий сиёсий муносабатлар шарт-шароитлари ва омилларига мослашиш ҳамда уйғунлашиш сифатларига эга. Мазкур жараённинг таркибий қисмларидан бири бўлган кўп partiya вийлик тизими бугунги кунда изчил ривож топди.

Сиёсий партияларнинг жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишдаги роли ва аҳамияти ортиб бораётир. Партиялар фаолиятининг ташкилий-хуқуқий, молиявий шарт-шароитлари мустаҳкамланмоқда, уларнинг ҳалқ орасидаги обрўси ортиб, давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилишдаги таъсири тобора кучайиб бормоқда. Олий Кенгаш томонидан 1991 йил 15 февралда “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Конун-нинг қабул қилиниши билан мамлакатда жамоат бирлашмаларининг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун илк бор мустаҳкам хуқуқий асос яратилди.

Собиқ иттифоқдош республикаларида бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам турли хил сиёсий гурухлар ва ҳаракатлар вужудга кела бошлади. Хусусан, 1989 йилнинг 28 майида “Бирлик” ҳалқ ҳаракати ташкил этилди. Ушбу ҳаракат илк сиёсий жамоат бирлашмаси бўлганлиги учун ўз фаолиятида кўплаб хатоларга йўл қўйди. Улар фаолият нуқтаи назаридан кўпроқ ҳаракат эмас, балки сиёсий партияга ўхшаб кетар эди. Ҳаракат аъзолари ўша пайтдаги сиёсий вазиятдан фойдаланиб, турли хил митинг, намойишлар ўтказиши орқали ўзларини “ҳалқпарвар” қилиб кўрсатишга ҳамда шу йўл билан сохта обрў олишга ҳаракат қиласар эдилар. Аслида эса ушбу ҳаракат Литва Республикасида ўша пайтда фаолият юритаётган “Саюодис” ташкилотига тақлиддан бошқа нарса эмас эди.

Ўзбекистонда миллий мустақилликнинг эълон қилиниши, иттифоқдан мустақил давлат тузилмаларининг шаклланиши, собиқ коммунистик партия ташкилотларининг бутунлай тутатилиши натижасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатда ҳалқ ўз манфаатлари ва сиёсий иродасини эркин билдириш, эркин ифода этиши учун хуқуқий асослар ҳамда муносаб сиёсий муҳит яратилиши билан сиёсий партиялар ҳам тузила бошлади.

1991 йилнинг нояброда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Конунда сайловнинг кўп partiya вийлик асосида ўтказилиши хуқуқий жиҳатдан эътироф этилди. “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Конуннинг кўп partiya вийлик тизими шаклланишининг хуқуқий жиҳатларини таъминлаб бериши натижасида мамлакатда янги сиёсий партияларнинг юзага келиш жараёни бошланди. Миллий мустақиллик даврида ташкил топган илк сиёсий партия бу – Ўзбекистон Ҳалқ демократик партиясидир. Партияга 1991 йилнинг 1 нояброда бўлиб ўтган таъсис курултойида асос солинди. Курултой мустақил Ўзбекистон тарихидаги муҳим сиёсий воқеа, яъни Ўзбекистон ХДП таъсис этилганлигини эълон қилиб, унинг Дастури ва низомини қабул қилди.

Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг ривожланиш тарихида ўз ўрнига эга партиялардан яна бири Ўзбекистон “Ватан тараққиёти” партияси бўлди. Ушбу партия 1992 йил 24 майда бўлиб ўтган таъсис қурултойида ташкил топди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил топган партиялардан яна бири бу – Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидир. Ушбу партия 1995 йил 18 февралда ўзининг биринчи таъсис Қурултойида тузилган. Ушбу Қурултойда унинг дастури ва Устави қабул қилинган. Таъсис қурултойида аввалги сайловларда сайланган ташаббускор гуруҳнинг 47 депутати иштирок этиб, улар “Адолат” социал-демократик партиясининг парламентдаги фракциясини ташкил этдилар. Мустақиллик йилларида ташкил топган партиялардан яна бири – бу Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидир. Ушбу партия 1995 йил 3 июнда биринчи таъсис Қурултойида тузилган.

2008 йил 20 июнь куни Ўзбекистон “Фидокорлар” миллий демократик партияси ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг бирлашув қурултойи бўлиб ўтди. Унда асосий масала Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва “Фидокорлар” миллий демократик партиясини бирлаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, иккала партиянинг бирлашиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Қурултойда партияларнинг мақсадли дастурий вазифалари мазмун-моҳиятига кўра бир бирига яқин, яъни, миллий тикланиш ва ватанпарварлик ғоясини рўёбга чиқариш, миллий анъана ва қадриятларни ҳимоя қилиш, асрар авайлаш ҳамда ривожлантириш эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон сиёсий тизимида ўзига хос ўринга эга бўлиб улгурган Ўзбекистон Либерал-Демократик партиясининг (ЎзЛиДеП) Низоми ва дастури унинг 2003 йил 15 ноябрда бўлиб ўтган Таъсис Қурултойида тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг ўтган йиллар давомидаги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг ривожланиши учун ҳуқуқий асос яратилганини кўрамиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги ҳамда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни шулар жумласидандир.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистонда миллий давлат тизимининг барпо этилиши
2. Мустақиллик бошқарувда янги усусларининг шакллантирилиши.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши.
4. Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат ҳокимяти тузилиши
5. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимяти қарор топиши.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

19. Каримов И.А. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т. 1. – 364 б.
20. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т. 2. – 382 б.
21. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. Т. 7. – 410 б.
22. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. Т. 9. – 432 б.
23. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. Т. 13. - 448 б.
24. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. -Т., Ўзбекистон. 2015.
25. Азизхўжаев А.Мустақиллик: курашлар, изтироблар, кувончлар. –Т., 2001.
26. Левитин Л. Ўзбекистон туб бурилиш палласида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
27. Қорақалпоғистон тарихи (1917-1994 йй.). - Нукус, 1995.

### **Интернет сайtlари:**

4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
5. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
6. [www.google.uz](http://www.google.uz).

**3-МАВЗУ: Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви. Қучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши.**

**РЕЖА:**

3.1. Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ва унинг босқичлари.

3.2. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўлининг танланиши ва унинг ҳуқуқий асосларини яратилиши. Мамлакатда тадбиркорлик соҳасида ислоҳотлар: ютуқлар ва муаммолар.

3.3. Мустақиллик йиларида ижтимоий ҳимоянинг амалга оширилиши, унинг босқичлари, янги Ўзбекистонда соҳадаги ўзгаришлар, унинг натижалари. Фан ва таълим соҳасидаги ислоҳотлар.

3.4. Янги Ўзбекистонда Ёшларга оид давлат сиёсати ва хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари

**Таянч иборалар:** ислоҳот, иқтисод, босқич, ўзбек модели, тамойил, заҳира, хусусият, минтаقا.

**3.1. Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ва унинг босқичлари.**

Совет давлати бошқарув тизимидан тортиб кишиларнинг кундалик турмушига дахлдор бўлган барча катта-кичик масалаларни ҳал этишни ўз зиммасига олгани учун ҳам мамлакат тараққиёти суслилашиб, халқ турмуш даражаси қундан-қунга пасайиб борди. Иқтисодиётдаги объектив қонуниятларнинг кўр-кўрона инкор этилиши ишлаб чиқаришнинг ўсишига салбий таъсири қилиб, тангликни келтириб чиқарувчи омилларнинг зўрайиб боришига шароит туғдирди. Мулкка нисбатан давлат монополиясининг ўрнатилиши, товар-пул муносабатларидан оқилона фойдалана билмаслик, унинг ўрнига маъмурий тақсимлашга асосланган партия-давлат бошқарув тизимининг чексиз ҳукмронлиги халқнинг бунёдкорлик хислатлари йўлида тўғаноқ бўлди. Натижада, собиқ иттифоқда йиллар давомида шаклланган хўжалик алоқаларининг узилиши ишлаб чиқариш даражасининг ниҳоятда пасайиб кетишига олиб келди. Ўзбекистонни бу иқтисодий танглиқдан тараққиёт йўлига чиқариш учун, мамлакат иқтисодий тизимини янгилаш керак эди, вазият эски мустабид-режали иқтисоддан янги бозор иқтисодига ўтишни тақозо этарди.

Ўзбекистоннинг шароити ва манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда янги дастурлар қабул қилинди. Ўзбекистоннинг янги тарихида биринчи дастур 1990 йил октябрь ойида Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессиясида қабул қилинди, у «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий

йўналишлари ва бозор иқтисодига кириб боришининг тамойиллари», деб номланди.

Бу ҳужжатда қўйидаги чора-тадбирлар белгиланди:

- аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг давлат тизимини барпо этиш;
- республика фуқароларининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш, миллатлараро дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш;
- Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан бўладиган иқтисодий муносабатларини тенг хукуқли ва ўзаро манфаатли асосда қайта қуриш;
- бошқаришдаги буйруқбозлик усулидан воз кечиб, иқтисодий, яъни манфаатни ҳисобга оладиган бошқариш усулларига ўтиш;
- молия-кредит ва солиқ тизимини қайта кўриб, иқтисодий тараққиётни таъминловчи янги молиявий воситаларни ишга солиш;
- турли-туман мулкчилик ва ҳар хил хўжалик юритишга ўтиш;
- суверен ва бевосита ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш;
- ўз табиий ва моддий ресурсларига таянган ҳолда ишлаб чиқаришни бир ёқлама ривожланишига чек кўйиб, бу ишларнинг комплекс боришини таъминлаш.

Дастурда юқорида санаб ўтилган ислоҳ тадбирларини З босқичда амалга ошириш мўлжалланган эди:

**Биринчи босқич** - иқтисодиётни барқарорлаштириш юзасидан дастлабки фавқулотда тадбирларни 1990-1992 йилларда амалга ошириш ва ислоҳотларга илк қадам қўйиш;

**Иккинчи босқич** - 1992-1993 йилларда бозор иқтисодининг асосий белгиларини шакллантириш, унга асос солиш;

**Учинчи босқич** - 1994-1996 йилларда бозор механизмини, яъни янгича хўжалик юритиш усулларини кенг қулоч ёйдириш.

Бу дастур етти йил давомида Ўзбекистонда бозор иқтисодини шакллантиришни назарда тутган бўлиб, уни сиёсий мустақиллик йўлидан қайтмаган ҳолда, иттифоқнинг иқтисодий тизими доирасида, унинг салоҳиятидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш режалаштирилган эди. Ушбу дастур амалга оширилмаган бўлса-да, ютуқ ва камчиликларидан қатъи назар, таназзул аломатлари кучайган ва бошбошдоқлик авж олган даврда, биринчи навбатда, унда Ўзбекистон ва республика аҳолисининг манфаати устуворлиги алоҳида кўрсатилиши мухим аҳамият касб этди.

Ушбу модельнинг асосий тамойиллари, амалга ошириш йўллари, босқичлари Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва у илмий асосланган беш тамойилда ўз аксини топди. Бу тамойиллар умумлашган ҳолда 1993 йилда И.Каримовнинг «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида эълон қилинди.

**Биринчи тамойил** - иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан устуворлигини таъминлаш. Бу қоида иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари учун пойдевор вазифасини ўташини, яъни Ўзбекистонда иқтисодиёт ижтимоий тараққиётнинг асоси бўлишини англатади. Тамойилда иқтисодиётнинг ўзига хос объектив қонунлари мавжудлиги, уларни эътиборга олмасдан иш юритиш мумкин эмаслиги акс этган. Иқтисодий қонунларнинг объективлигини тан олиб,

хўжалик фаолиятини улар талабига мос ҳолда юритиш - ўтиш даври учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилган. Иқтисодиёт ўз қонунларига эга бўлгани сабабли уни сиёсий курашлар, турли мафкуралар қурбонига айлантирмасдан, у мафкуравий тазиикларсиз ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши лозим. Бироқ, бу иқтисодиётга сиёsat таъсиридан тамомила ҳоли деб қарашни билдирамайди. Ўзбекистондаги тараққиёт заруратидан келиб чиқсан сиёsat иқтисодиётга фаол таъсири қилиши лозим бўлади.

**Иккинчи тамойил-** давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. Давлат ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, уларни амалга ошириш йўлини ишлаб чиқиши ва унга изчиллик билан риоя этиши, эскилик тараф-дорлари қаршилигини бартараф этиши шарт. Бу қоида маданий бозор иқтисодиёти концепциясига таянади. Ўзбекистон мустабид-режали, маъмурий-буйруқбозлик услубида бошқарилган иқтисодиётдан эркин демократик иқтисодиёт томон борар экан, Фарб мамлакатлари асрлар давомида бошидан кечирган тарихий жараённи ўташи шарт эмас. Фарбда «беаёв ва тартибсиз» бозор иқтисодиёти «ёввойи капитализм» номини олган ва узоқ давр амалда бўлган.

Ўзбекистонда эса маданий бозор иқтисодиётига тартибли равища ўтиш маданий рақобатни шакллантириши, шериклик алоқалари, иқтисодий барқарорликнинг устун бўлиши, оммавий фаровонлик каби белгиларга хос бўлиши керакки, уларни давлатнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчи тамойил давлат иқтисодиётга минимал даражада аралашиб, уни ўз ҳолига қўйиши зарур, деган ғояларни инкор этади ва давлатнинг бу борада фаоллигини билдиради. Жаҳонда давлатнинг иқтисодий соҳадаги функциясига оид тўпланган тажриба демократик жамиятда давлатдан ўзга умуммиллий манфаатни ифодаловчи сиёсий институт бўлмаслигини кўрсатди.

**Учинчи тамойил** - қонунларнинг ва уларга риоя қилишнинг устуворлигини таъминлаш. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини ҳеч қандай истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга сўзсиз риоя қилиши лозим. Бу тамойилга кўра, қонунлар сиёсий ҳокимиятни таъминловчи куч, уларга жамият аъзоларини юридик қонунларга бўйсундирувчи механизм сифатида қаралади. Қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар барчанинг фаолиятига тегишли, аммо улар ҳам эскиради, уларни ҳаёт тақозосига кўра янги қонунлар билан алмаштириш зарур, яъни қонунчиликка ижодий ёндошув талаб қилинади. Иқтисодий ҳаётга хос бўлган ўзгарувчанлик юридик қонунларни ҳам ўзгаририб боришни талаб қиласди. Учинчи тамойил талаблари янгича қонунчиликни яратишни тақозо этадики, бу биринчидан, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигини, иккинчидан, бозор ислоҳотларини амалга ошириш учун ҳуқуқий база яратади. Учинчи тамойил сиёсий тизимнинг бозор иқтисодиёти талабларига монанд тарзда демократлашувини билдиради. Бу тизим шароитида инсон ҳуқуqlари, эрки, фаровонлигини таъминлаш бош вазифага айланади.

**Тўртинчи тамойил**- фаол ижтимоий сиёsat ўтказиш. Ўзбекистонда бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолининг демографик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, уни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсиричан чоралар кўриш лозим бўлади. Бу тамойил иқтисодиёт ва ижтимоий

соҳаларнинг диалектик алоқадорлигига таянган ҳолда социал сиёсат юритиш зарурлигини асослайди. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ижтимоий соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлаши, ижтимоий соҳанинг ривожланиши эса инсон омилини фаоллаштириб, иқтисодиётга кучли таъсир кўрсатиши зарур. Икки соҳанинг диалектик алоқадорлиги ишлаб чиқаришнинг моддий ва инсоний омиллари яхлитлигидан келиб чиқади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш модели бозор иқтисодиётидаги ижтимоий йўналтирилган, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган бозор хўжалиги бўлишини англатади. Шу мақсад йўлида юритиладиган ижтимоий сиёсатнинг кучлилиги ижтимоий адолатни таъминлаши, кишиларда боқимандалик кайфиятини бартараф этиши ва уларда фаолликни юзага келтириш билан жамиятдаги социал иноқликни, социал гуруҳлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашни билдиради. Бу сиёсат инсон омилини кучайтириб шу орқали иқтисодий тараққиётга кучли таъсир этади.

**Бешинчи тамойил** - бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш. Бу тамойил Ўзбекистон моделининг тамал тоши, унинг асосий мезонидир. Бозор иқтисодига ўтиш - бу мавжуд иқтисодий тузумни таъмирлаб такомиллаштириш эмас, балки тамоман янги бозор тизимини яратишни билдиради. Бу йўл революцион эмас, балки эволюцион йўлдир. Бу ўтиш даври бир қанча босқичларни ўз ичига олувчи узоқ давр эканини билдиради ва одамлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафаси ҳисобланади. Мазкур тамойилга биноан ислоҳотлар тадрижий йўл билан, улар мустабид-режали иқтисоддан секин-аста бозор тизимиға ўтишини, аммо бу талофатсиз, ларзаларсиз бўлишини билдиради. Шошма-шошарлик билан бозор қоидаларини ҳаётга жорий этиб бўлмайди. Бунинг учун тайёргарлик ва муайян вақт талаб қилинади. Бозор муносабатлари шаклланиб улгурмаган шароитда мавжуд алоқаларни бузиб юбориш иқтисодни издан чиқариши, аҳоли турмушини кескин пасайтириб, социал тўқнашувларга олиб келиши мумкин. Шу сабабдан ислоҳотлар эволюцион тарзда ва шароит ҳозирланишига қараб кетма-кет ўtkазилиши керак. Секин-асталик ва эҳтиёткорлик қоидаси «фалаж терапияси» тамойилини инкор этади. Бу Ўзбекистоннинг янги тузумга, бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос хусусиятга эга бўлган миллий йўли эди.

Ушбу миллий модель ўзига хос бўлиб, уни танлашда мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий шароити ва салоҳиятидан, халқимизнинг тарихи, миллий урф-одатлари, диний эътиқодидан келиб чиқилди. Бунда кўплаб ривожланган давлатлар тажрибаси мукаммал ўрганилди ва инобатга олинди.

«Ўзбек модели» мутахассислар томонидан ушбу атама 1993 йилдан қўлланила бошланди, чунки бу даврдан бошлаб Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар ўзида иқтисодий ўсиш билан ҳамоҳанг тарзда ижтимоий-сиёсий барқарорликни мужассамлаштирган эди. Бу айниқса собиқ Иттифоқ парчаланган даврнинг дастлабки йилларида кўзга ташланарди.

### **3.2. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўлининг танланиши ва унинг ҳуқуқий асосларини яратилиши. Мамлакатда тадбиркорлик соҳасида ислоҳотлар: ютуқлар ва муаммолар.**

Республикамизда тадбиркорлар ва аҳолини рўй бериши мумкин бўлган турли заарлардан ҳимоя қилувчи суғурта бозори вужудга келди. Давлат иштирокида бозор муносабатларига хизмат қилувчи «Ўзбекинвест» (1994 йил 13 апрель), «Ўзагросуғурта»(1997 йил 25 февраль),«Кафолат»(1997 йил 14 март)каби учта йирик суғурта компанияси ташкил этилди. Президент фармони билан 2002 йил 1 февралидан бошлаб суғурта ташкилотларининг 3 йил муддатга даромад солиғидан озод қилиниши мамлакатимизда суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш мулкчилик шаклларининг, кўп укладли аралаш иқтисодиёт тузилмаларининг хилма-хиллигига асосланади. Бу рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч эканлиги, у кўп сонли бозор субъектларини талаб қилиши билан изоҳланади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунида мамлакатимизда мулкчиликнинг қуидаги шакллари амал қилиши белгилаб берилди:

1. Хусусий мулк. У ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборат.

2. Ширкат (жамоа) мулки оиласи мулкни, маҳалла мулкини, шунингдек кооперативларнинг, ижара, жамоа корхоналарининг мулкини, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг, турли хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, ассоциациялар ва юридик шахс ҳисобланган бошқа бирлашмаларнинг мулкини ўз ичига олади.

3. Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкига маъмурий худудий тузилмаларнинг мулки (коммунал мулк) киради.

4. Мулкнинг аралаш шакллари.

5. Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари, ташкилотлари, давлатларининг, шу жумладан чет эл юридик шахсларининг мулки<sup>13</sup>.

Ўзбекистонда мулкчиликнинг барча шакллари teng ҳуқуқли эканлиги Конституцияда белгилаб қўйилган.

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичи юмшоқ монетар сиёсатнинг амалга оширилиши билан тавсифланади. Ягона рубль худудида туриб таклифнинг пасайиши оқибатларини юмшатиш, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик учун марказлашган ва имтиёзли кредитлар ёрдамида ишлаб чиқаришни субсидиялашга мажбур бўлindi. Шунингдек, миллий валютанинг оширилган алмашув курсини директив тарзда ўрнатиш, бирламчи эҳтиёждаги асосий товарларга нархни марказлашган ҳолда белгилаш ва уларни карточка тизими ёрдамида тақсимлаш орқали истеъмол ҳам субсидияланди. Мамлакатнинг ташқи савдо сиёсати ички бозорни товарлар билан тўлдириш ҳамда инфляцияни пасайтириш муаммосининг ҳал қилинишини кўзлар эди. Хусусан, бу даврда импорт сиёсати нотариф чекловларининг мавжуд эмаслиги ҳамда импорт тарифларининг юқори бўлмаган (бож-

<sup>13</sup>Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари: Мулкчилик тўғрисидаги қонун. 1-сон. – Т.: Адолат, 1991.

хона қийматининг 5-10 фоиз) даражаси билан тавсифланади.

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ташқи савдони узоқ хорижий мамлакатлар бозорларига йўналтириш ва шок терапиясидан воз кечиш натижасида дастлабки босқичда иқтисодий пасайиш нисбатан катта бўлмади. 1993-1994 йилларда Ўзбекистоннинг реал ялпи ички маҳсулоти 1991 йилга таққослаганда 17,7 фоизга пасайиб, бу кўрсаткич собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларига қараганда анча паст эди.

Мустақил тараққиёт йўлига ўтган мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим таркибий ўзгаришларни амалга оширишда инвестиция фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Самарали инвестиция сиёсатини амалга ошириш мақсади томон ҳаракат иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларидағи устувор йўналишлар ва мақсадга эришиш механизмларини ўзгартириб борди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи (1991-1995 йиллар) ЯИМ ҳажмининг камайиб кетиши, миллий валюта девальвацияси ва инфляция суръатларининг ўсиб бориши, ривожланишда юқори даражада беқарорлик билан ажралиб турди. Инвестиция ҳажми ва кўлами қисқариб кетди. Бундай ҳолатда хорижий инвестициялар улушининг катта қисми турли грантлардан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри инвестициялар деярли мавжуд эмас эди.

Республика бюджет маблағларининг инвестиция қилинган асосий қисми (95 фоиз) давлат секторига, иқтисодиётнинг устувор ривожланиш соҳаларига, стратегик муҳим обьектларни қуришга йўналтирилди. Шунингдек, республика бюджети харажатлар қисмida салмоқли қисми (57,3 фоизгача) кадрлар тайёрлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш каби давлат дастурларига ажратилди. Давлат назорати остида иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим тармоқлар молиялаштирилди.

Экспорт ҳажмининг қисқариши ялпи жамғарманинг қисқаришига олиб келди. Ўша йилларда мавжуд жамғарма ва уларни инвестицияларга трансформацияси самарали амалга оширилмади. Натижада асосий капитални кўпайтириш ва самарадорликни оширишга асосланган иқтисодий ўшиш секинлашди.

Иқтисодиётни, шу жумладан, нарх ташкил этишини эркинлаштириш, давлат мулкини хусусийлаштириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва иқтисодиётга давлат аралашувини чеклаш ислоҳотларнинг асосий йўналишлари сифатида амалга оширилди. Мустақил тараққиёт даврининг дастлабки палласидаги инвестиция жараёнларида қуйидаги масалалар ҳал этилди:

- амалга оширилаётган инвестиция ҳажмларининг қисқариб кетишига барҳам бериш ва барқарорлаштириш;

- инвестиция жараёнларини давлат бюджет орқали молиялаштиришни қисқартириш;

- давлат кафолати остида хорижий инвестицияларни жалб этиш;

- инвестиция жараёнларига мамлакат аҳолиси ва тижорат банкларини кенг жалб этиш.

Давлат инвестиция сиёсатининг 1991-1995 йиллардаги муҳим жиҳатлари қўйидагилардан иборат бўлди:

- қучли молиявий сиёsat олиб бориб, давлат бюджети дефицити минимум даражага олиб келинди;

- бюджетдан молиялаштириш ўта муҳим, давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган биринчи даражали эҳтиёжларга нисбатан қўлланилди;

- иқтисодиёт тармоқларини, йирик корхоналарни ривожлантириш мақсадида бюджетдан беғараз ёрдам бериш амалиётидан воз кечилди, бунинг ўрнига инвестиция кредитларидан кенг фойдаланилди;

- Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқлари жаҳон бозорида миллий маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш ва малакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ҳар томонлама қўллаб-куватланди;

- марказлаштирилган инвестициялар бошқа ишлаб чиқариш ривожланишига катта таъсир кўрсатадиган, маҳаллий етказиб берувчи ва истеъмолчиларни қўллаб-куватлайдиган устувор инвестиция лойиҳаларга йўналтирилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи (1996-2003 йиллар)да инвестиция сиёсатининг мақсади ва устувор йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлди:

- иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш мақсадида нобюджет манбалар орқали хусусий секторга инвестициялар амалга оширилди;

- чет эл инвестицияларини жалб этиш ва маҳаллий инвесторлар фаолиятини кенгайтириш мақсадида қулай инвестицион муҳит яратилди;

- инсон капиталига, хусусан, таълим тизимига қилинадиган инвестиция миқдори қўпайди.

Ўзбекистон Республикаси қатор давлатлар ва хорижий шахслар ўртасида инвестиция баҳсларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Вашингтон конвенциясига, инвестициялар кафолати бўйича Сеул конвенциясига қўшилди, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банкига аъзо бўлди, Жаҳон савдо ташкилотига қузатувчи сифатида қабул қилинди. Бир қанча ҳукуматлараро инвестицияларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, иккиёклама солиқ солмаслик каби келишувларни имзолади.

1996 йилдан бошлаб корхона ва ташкилотлар инвестиция фаолиятини жадаллаштириш учун иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш учун ҳар йили Инвестиция дастури ишлаб чиқлади ва қабул қилинади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида қўйидагилар инвестиция сиёсатининг асосий натижалари бўлди:

- Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Асака шаҳрида автомобиль заводи қурилди;

- Нукус, Элликкалья, Самарқанд ва Наманганда йирик тўқимачилик мажмуалари фойдаланишга топширилди;

- Навоий-Учқудук-Султонуиздоғ-Нукус ва Ғузор-Бойсун-Қумқўргон янги темир йўл линиялари қурилди;

- Тошкент-Андижонавтомобиль йўлиниң Қамчиқ довонидан ўтадиган

қисми реконструкция қилинди;

Бу даврда замонавий «ЎзДЭУавто» заводининг ишга туширилиши билан автомобилсозлик саноати ташкил этилди, бу эса иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартирилишининг асосий яқуни бўлди. «СамКочавто» (автобуслар ишлаб чиқариш), «Кабул-ЎзбекКо» (пахта толасини қайта ишлаш), «ЎзСамсунг Электроникс» (маиший электрон аппаратура), «Нестле Ўзбекистон» (озик-овқат маҳсулотлари, ичимликлар), «Олтин Дери», «Шарк-текс», «Супертекстиль» тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги қўшма корхоналар ишга туширилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг учинчи босқичи (2004-2011 йиллар)да ЯИМ барқарор суръатларда ўсили ва 7 фойиздан ортиқни ташкил этди. Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар 2006 йилдан бошлаб ортиб борди ва 2008 йилга келиб деярли 30 фойизга ошиди<sup>14</sup>.

2005 йилга келиб янги иқтисодий ҳолат республика инвестиция фаолиятида янги вазифаларни қўйди. Улар қуйидаги вазифаларни ечишга қаратилган эди:

- тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари улушини ошириш;
- йирик инвестиция лойиҳаларини ўзлаштиришни таъминлаш ва уларни амалга оширишни таъминлайдиган йирик иқтисодий агентларни ташкил этиш;
- юқори қўшилган қийматни ишлаб чиқарувчи тармоқларга инвестицияларни жалб қилишни кўпайтириш юзасидан шароитлар яратиш;
- инвестиция дастурини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш;
- соғлиқни сақлаш ҳамда бошланғич ва ўрта таълим соҳаларида йирик инвестиция лойиҳаларини ўзлаштириш;
- инвестиция фаолиятининг ривожланишида қимматли қофозлар бозори ролини кучайтириш;
- трансакцион харажатларни камайтириш;
- валюта маблағларини конвертация қилиш механизмини янада либераллаштириш.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (11.04.2005), «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (21.07.2005), «Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» (02.05.2006), «Навоий вилоятида эркин иқтисодий-индустрисал худудни ташкил этиш тўғрисида» (02.12.2008), «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (24.08.2011), «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (10.04.2012), «Ангрен маҳсус индустрисал худудини ташкил этиш тўғрисида”ги (13.04.2012) фармонлари ва бир қанча қарорлар қабул қилинди.

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2005-2011 йиллар маълумотлари асосида хисобланган.

Иқтисодий ислоҳотларнинг учинчи босқичи 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароити ва таъсирида амалга оширилди. Мазкур инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётiga салбий таъсирини олдини олиш мақсадида 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ўз натижасини берди.

Ислоҳотларнинг учинчи босқичида ўзлаштирилаётган инвестициялар ҳажми ўсишида қуйидаги омиллар асосий аҳамиятга эга бўлди:

- солиқ юкининг пасайтирилиши;
- корхоналарни хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайтирилиши;
- чет эл инвестицияларининг ҳудуд ва тармоқ йўналишларига кўра тақдим этилаётган солиқ ва имтиёзлар ролининг оширилиши;
- ҳудуд ва тармоқ инвестиция дастурларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши.

Инвестициялар ҳажми 2011 йили 2003 йилга нисбатан 3,1 баробарга ортди. Бунда бюджетдан ташқари жамғармалар инвестициялари 54,6 баробар кўпайди. Бу, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони билан боғлиқ бўлди.

Жамғарманинг асосий вазифаси қилиб иқтисодиётнинг етакчи, тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш билан боғлиқ лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантимишга эришиш, шунингдек, самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш деб белгиланди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида инвестицияларнинг барқарор ўсиши Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги, ташқи инқирозлар таъсирини минималлаштириш имкониятига нисбатан хорижий инвесторларнинг ишончи юқорилигидан далолат беради. Чунончи, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари 2011 йили 2003 йилга нисбатан 8 баробарга кўпайди.

Ислоҳотларнинг учинчи босқичида бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди. Жумладан, Шўрттан газ-кимё мажмуаси ишга туширилди, Навоий шахридаги аэропорт реконструкцияси якунланди, «Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли ишга туширилди, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати реконструкция қилинди, Резаксой сув омбори қурилиши тугатилди.

Инвестицияларнинг иқтисодиёт соҳалари бўйича таркиби ўзгарди. 2003 йилга нисбатан солиштирганда, инвестициялар машинасозликда 12,2 баробар, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 10,2 баробар, ёқилғи-энергетика мажмуида 5,4 баробар, озиқ-овқат саноатида 4,2 баробарга ортди. Шунингдек, бу даврда инвестиция сиёсатида ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар, жумладан, ички манбалар, хусусан аҳоли жамғармалари орқали инвестиция жараёнларини фаоллаштириш, юқори қўшилган қиймат маҳсулотлари, айниқса, юқори технологик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларига инвестиция-ларни амалга ошириш, мелиорация ва дренаж ишларига маблағлар

жалб этиш, иккиламчи қимматлар қоғози бозорини ташкил этиш, инновацияларни яратишга инвестиция ресурсларини жалб этиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистоннинг инвестицион фаоллиги ва ривожланиш йўли тўғри эканини эътироф этдилар. Ислоҳотларни амалга ошириш қийинчиликлари ва ҳар бир босқичнинг ўзига хослигига қарамасдан, Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида яхши кўрсаткичларга эришди. Мамлакатимизда инвестиция ҳажми бўйича бошқа МДҲ давлатлари каби кескин пасайишлар рўй бермади ва МДҲ давлатлари ичida 1995 йилдан бери инвестиция ҳажми индекси салбий микдорни кўрсатмаган ягона давлат саналади.

Мустақилликка эришиш арафасида ва мустақил тараққиётнинг дастлабки палласида иқтисодиётимизда жиддий таркибий деформациялар мавжуд бўлиб, улар орасида саноатнинг ҳаддан ортиқ тарзда хом ашёга йўналтирилгани ажралиб турарди.

Ўзбекистон олдида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий таркибини тубдан қайта қуриш, хом ашё ва қайта ишловчи соҳалар ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш, жаҳон хўжалигига кириб боришга қодир бўлган диверсификацияланган саноат комплексини шакллантириш муаммолари пайдо бўлди. Таркибий ўзгартиришларнинг устувор вазифаси - саноатнинг ва алоҳида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришнинг стратегик жиҳатдан муҳим базавий соҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш эди. Ҳукумат томонидан жорий жараённинг воқеликларини объектив жиҳатдан ҳисобга олишга асосланган ва ўтиш давридаги йўқотишларнинг минимал даражасини таъминлайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқарилди ва амалга оширилди.

Шуни таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг асосий соҳалари бўлган энергетика, нефть ва газ саноати, олтин қазиб олиш ва кимё саноатини, қора ва рангли металлургия корхоналари қаторида қайта ишлаш саноати соҳаларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш асосида мамлакатнинг асосий табиий ва минерал хом ашё ресурсларини кўпроқ ишлаб чиқаришга жалб қилиш устувор вазифа ҳисобланади. 1999 йилдан бошлаб иқтисодиётнинг реал секторида мулкчиликнинг янги шаклига ўтиш бўйича чоралар амалга оширилди. Бунинг учун иқтисодиётнинг асосий соҳалари бўлган ёқилғи-энергетика мажмуаси, металлургия саноатининг йирик корхоналари хусусийлаштирилди. Иқтисодиётнинг асосий соҳаларидаги йирик инвестицион лойиҳаларининг рўёбга чиқарилиши ва янги қайта ишловчи корхоналарнинг фаол жалб қилиниши иқтисодиётдаги ўсиш даражасини бир меъёрда ошишига туртки бўлди. Саноат маҳсулотлари экспортининг ошиши ҳисобига ижобий тўлов баланси шаклланди, ва олтин захиралари ошди. Валюта бозорининг либераллаштирилиши ва шунинг доирасида 2000 йилга қадар давлат валюта алмаштириш курси ва валюта операцияларини қатъий маъмурий назорат қилиш экспорт ҳажмининг кўпайишини ва чет эл валютаси кириб келиши рағбатлантириди. Миллий валютани девальвация қилиш, унинг конвертация бўлишини таъминлаш орқали биржадан ташқари айирбошлиш курсларини унификация қилиш масалалари ҳал этилди.

Валюта бозорининг либераллаштирилиши билан бир қаторда, иқтисодиётнинг реал секторига нисбатан пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш ва банк тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиқ йифимларининг камайиши ўша даврдаги ўзгаришларнинг асосий натижаларидан бири бўлди. Жорий экспорт-импорт операциялари бўйича валюта конвертациясининг муомалага киритилиши хорижий инвестициялар жалб қилиниши ва шу асосда қўшма короналарнинг ривожланиши динамикасига ижобий таъсир кўрсатди. 1996-2003 йилларга қадар чет эл инвестициялари асосида ишловчи корхоналар (ЧЭИАИК) сони 2,1 марта ошди. Таркибий ўзгаришларнинг биринчи босқичида савдо фаолиятида чет эл инвестицияси асосида ишловчи савдо ва воситачилик корхоналари ташкил этиш лойиҳаларига кўпроқ эътибор берилган бўлса, кейинги босқичда саноатда шу (ЧЭИАИК) корхоналарнинг улуши ошиши кузатилди. Ҳозирда республикамизда ишлаётган корхоналарнинг 55 фоиздан ортиғи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторига тўғри келди.

Шундай қилиб, 2004-2007 йилларда таркибий ислоҳотлар кўламини янада чукурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича стратегик вазифа илгари сурилдики, улар экспортга мўлжалланган тараққиётни таъминлаши лозим эди. Бундай устувор вазифанинг амалга оширилиши қуйидагилар асосида иқтисодиёт таркибида янада сифатли ютуқларга эришишни тақозо этади:

- қўшилган қиймат ўсиши механизмини такомиллаштириш, соҳалар ичидаги ютуқлар унумини ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улушкини ошириш;

- ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилашга, янги қўшма корхоналар ташкил этишга йўналтириладиган тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини кенг кўламда жалб қилиш;

- мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини янада рағбатлантириш, бу, ўз навбатида, экспорт-импорт операцияларини божхонанархлар ёрдамида бошқаришни такомиллаштиришни, божхона тўловларини унификация қилишни, солиқ ва божхона бошқарувини соддалаштиришни тақозо этди.

Бу даврда олдинги босқичларда яратилган иқтисодий салоҳиятни янада ривожлантириш учун шароит яратиш бўйича мунтазам чоралар давом эттирилди ва тайёр маҳсулот экспортини янада рағбатлантириш чоралари амалга оширилди.

Хусусийлаштириш жорий босқичининг ўзига хос жиҳати шундаки, давлат мулкининг, биринчи навбатда биржа бозорларида асосий соҳалар корхоналарининг акцияларини сотиш имкониятлари кенгайди, танловли савдолар ўтказиш ва инвесторлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш механизми жарий этилди. Натижада, бу ҳолат активларнинг янги эгаларига фақатгина хусусийлаштирилаётган объектнинг қайтарма қийматини (корхонанинг ўзини, акциялар пакетини ва ҳоказо) тўлаш мажбуриятини эмас, балки уни ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мажбуриятини ҳам юклади.

2008-2011 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳонда юз берган молиявий инқироз шароитида ривожланди, «иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий алоқаларга ўсиб бораётган суръатлар билан киришиб кетаётганилигини ҳисобга олганда жаҳон инқирози, биринчи навбатда унинг оқибатлари бизга салбий таъсир кўрсатди ва кўрсатиб келмоқда. Биринчи навбатда бу таъсир экспортга йўналтирилган асосий соҳаларнинг ва улар билан боғлиқ бўлган ўхшаш ишлаб чиқаришларнинг фаолиятида экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг муҳим турларига жаҳон бозорида талабнинг кескин камайиши ва нархларнинг тушиб кетиши билан ўз аксини топмоқда. Бу эса ўз навбатида умуман иқтисодиётнинг мувозанатлашувига ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, мўлжалланган лойиҳаларни амалга оширишда, қўйилган мақсадларга эришишда муаммоларни юзага келтирмоқда».

Глобал молиявий инқирознинг салбий таъсирини енгиб ўтиш мақсадида ҳукумат томонидан 2008 йилдаёқ Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Дастурга кўра, биринчи навбатда, экспорт қилувчи корхоналарнинг барқарор ишлашини қўллаб-куватлаш ва таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ички талабни рафбатлантириш бўйича ҳам тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларга кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ҳажмини 3,5-4 баравар ошириш кўзда тутилди.

Иқтисодиёт саноат секторининг жадал ўсиш суръатлари Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий қайта ўзгартиришлар ижобий динамикасини таъминлади. Умуман олганда, 1995-2011 йилларда саноатнинг ЯИМ таркибидаги улуши 17,1 фоиздан 24 фоизгача ўсади (1-расм.)

Иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришларнинг самарадорлиги экспорт таркибида эришилган ижобий силжишлар билан белгиланган. 1995-2011 йилларда хом ашё экспортининг улуши сезиларли даражада, жумладан пахта толаси 48,4 фоиздан 9 фоизгача камайди. Тайёр маҳсулотлар улуши умуман олганда 7,1 фоиздан 34,6 фоизгача ошди, шу жумладан машиналар ва асбоб-ускуналарнинг улуши 2 фоиздан 6,7 фоизгача, тўқимачилик маҳсулотлари 3,1 фоиздан 9,7 фоизгача, озиқ-овқат маҳсулотлари 1,7 фоиздан 13,2 фоизгача ошди (2-расм.)

Шу йилларда иқтисодиётнинг саноат тармоғида нодавлат секторининг роли кескин равишда ўзгарди. Нодавлат корхоналарининг саноат субъектларининг умумий сонидаги улуши 1991 йилдаги 17 фоиздан 87 фоизгача ошди, улардан 30 фоизи хусусий корхоналардир. Ҳозирги пайтга келиб, нодавлат корхоналарида саноат ишлаб чиқариш ходимларининг 80 фоиздан ортиғи жамланган бўлиб, бу ерда саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 70 фоиздан ортиғи улар томонидан шаклланади.

### **3.3.Мустақиллик йиларида ижтимоий ҳимоянинг амалга оширилиши, унинг босқичлари, янги Ўзбекистонда соҳадаги ўзгаришлар, унинг натижалари. Фан ва таълим соҳасидаги ислоҳотлар.**

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий асослари, стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, муаммолари ва уларнинг ҳал этилиш йўллари дастлаб Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» асарларида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёsatни амалга ошириш бўлди. Бунда ҳар қандай иқтисодий ислоҳотнинг натижаси ҳалқ манфаатлари ва унинг ижтимоий ҳимоясини таъминланишга қаратилди. Шу ўринда ижтимоий ҳимояни босқичмабосқич амалга оширила бошланди:

Дастлаб 1991-1995 йилларда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат молларни истеъмол қилиш кескин камайиши, оммавий ишсиз-лик пайдо бўлишининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига йўл қўймаслик, ижтимоий соҳалар-соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва маданият тармоқлари доимий ишлашини таъминлашга муваффақ бўлинди.

Ислоҳотларнинг бу даврида босқичида Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя сиёsatининг асосий вазифаси – имкон қадар ялпи ишсизликка йўл қўймаслик ҳамда нархларнинг эркинлаштирилиши натижасида аҳоли даромадларидаги “йўқотишлар”ни камайтириш бўлди.

Давлатнинг ижтимоий-иктисодий, миллий ва демографик хусусият-ларини ҳисобга олган ҳолда, истеъмол бозорлари ҳимояси ва давлатнинг истеъмол хавфсизлигига асос солинди. Асосий озиқ-овқат ва истеъмол молларининг кескин камайиб кетишига йўл қўймаслик учун чегараланган маҳсулотларнинг нормалаштирилган тизими ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳимоя чораси сифатида истеъмолчиларга субсидиялар бериш тизими ва истеъмол бозоридаги асосий озиқ-овқат товарларини мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишидан ҳимоялашнинг турли шаклларидан кенг фойдаланилди. Нархларни эркинлаштириш шароитида аҳолининг харид қобилиятини ҳимоя қилиш учун бу чоралар муҳим аҳамият касб этди.

Бозор иқтисодиёти тизимида ишлашга мослашмаган таълим ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ҳам ислоҳотларнинг дастлабки босқичида туб ўзгаришларни талаб қиласди. Бунда аҳолининг соғлиғи ва таълим даражасини бир бутун тизим сифатида сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Бу давр ичида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ижтимоий таъминоти ҳамда ҳимоясининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёsatининг асослари тўғрисида” (20.11.1991), “Аҳолини иш билан таъ-минлаш тўғрисида” (13.01.1992), «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»

(02.07.1992), “Таълим тўғрисида” (02.07.1992), “Меҳнатни муҳо-фаза қилиш тўғрисида” (06.05.1993), “Давлат уй-жой фондини хусусийлаш-тириш тўғрисида” (07.05.1993), “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” (03.09.1993) каби бир қатор ижтимоий муҳим қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқичда (1996 - 2003 йиллар) макроиктисодий мувозанатни таъминлаш, инфляция даражасини пасайтириш, иқтисодиётда тузилмавий ўзгартиришлар, истеъмол бозорини тўйинтириш орқали аҳоли турмуш даражасини тадрижий кўтариш учун шарт-шароитлар яратилди. 1996 йилдан бошланган иқтисодий ўсиш аҳоли даромадлари ўсишининг табиий манбаига айланди. 1997-2003 йилларда аҳолининг реал пул даромадлари йиллик ўртacha 22 фоиздан ўсади.

Ижтимоий сиёsatнинг устувор йўналишлари аҳолининг умумий ижтимоий ҳимояси ўрнига ижтимоий ҳимоянинг манзилли шаклларига алмашинди. Иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш, инсон капитали салоҳиятини ошириш ижтимоий сиёsatнинг устувор йўналишларига айланди.

*Ижтимоий сиёsatнинг устувор йўналишлари аҳолининг умумий ижтимоий ҳимояси ўрнига ижтимоий ҳимоянинг манзилли шаклларига алмашинди. Иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш, инсон капитали салоҳиятини ошириш ижтимоий сиёsatнинг устувор йўналишларига айланди.*

Нархлар ўсиши муносабати билан *маошларни индексациялаш* сони кескин камайди. Индексация фақатгина бюджет ташкилотлари соҳасида қўлланади. Истеъмол субсидиялари коммунал хизматларнинг айрим турларигагина сақлаб қолинди. Аҳоли даромадлари таркибида трансферлар улуши камайди. Давлат аҳоли ўртасида тенгсизлик кучайишининг хавфини камайтириш мақсадида, фақатгина, унинг *даромадлари даражасини* бошқариб турди.

Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш мақсадида қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Натижада аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчиларнинг, ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланганлик даражаси ошди. 1997-2003 йилларда аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 36,8 дан 47 фоизга, хусусан, қишлоқ жойларда 36,8 дан 47 фоизга, табиий газ 69 фоиздан 78,3 фоизга етди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga ўтиш Ўзбекистонда давлат суверенитетининг иқтисодий асоси бўлиб қолди. Бу йўлни шакллантириш учун иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Бундааввало, иқтисодий ислоҳотларнинг қўйидаги стратегик мақсадлари белгилаб олинди:

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, миллий бойликларнинг ўсишини, кишилар турмуши ва фаолияти учун муносабатни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб борувчи иқтисодий тизим яратиш;

- кўп укладли иқтисодиётни яратиш, хусусий мулкка муносабатни ўзгартириш, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар тарафлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини

таъминлаш;

- корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик ишларига давлатнинг тўғридан-тўғри аралашувидан воз кечиши, иқтисодиётни бошқарувнинг маъмурый-буйруқбозлик усулларигабарҳам бериш, иқтисодий воситалар ва рағбатлантишларни кенг қўллаш;

- моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишини, рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жаҳон иқтисодиёт тизимиға кириб боришни таъминлайдиган чуқур иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш;

- иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

- жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилиб бориш;

- янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, аҳолининг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатисамараларидан баҳраманд бўлиш имкониятини яратишдан иборат бўлди.

Мамлакат ва миллат ривожланиши илм-фан ҳамда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламасдан, республика миллий манфаатларига хизмат қилувчи фан соҳаларини ривожлантирмасдан, фундаментал, назарий тадқиқотлар олиб бормасдан жамиятни тараққий эттириш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тараққиётида, амалга оширилаётган ва барча соҳаларда содир бўлаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишда муҳим ўрин эгалайди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида илм-фаннынг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Иқтисодий қийинчиликлар, ўтиш даври муаммоларига қарамасдан, совет тузуми даврида шаклланган илм-фан инфраструктураси бир томондан сақлаб қолинди, бошқа томондан унинг янада ривожланиши учун ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий асослар яратилди.

Илм-фан ривожига мамлакат ривожланишининг устувор йўналиши сифатида қаралди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти таъкидлаганидек, “жамиятни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфраструктурани ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Тарихан Ўзбекистон Республикасида шаклланган интеллектуал салоҳият XXI аср бўсағасида ўзининг ривожланиш даражаси жиҳатидан, инновацион кашфиётлар, имкониятлари билан ҳозирги вақтда жаҳондаги кўпгина ривожланаётган мамлакатлардан илгарилаб кетган”<sup>15</sup>. Илм-фаннынг жамият ижтимоий тараққиётидаги ўрнини белгилар экан, Юртбошимиз юқоридаги фикрини давом эттириб, “Ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт - бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради”,<sup>16</sup> деб таъкидлайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республика Фанлар академияси олдида қисқа вақт ичиде илмий тадқиқотларни режалаштириш соҳасида яхлит фикрга келиш, унинг замонавий талабларга мос тизимини яратиш, Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларини маблағ билан

<sup>15</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 625-бет.

<sup>16</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. 41-бет.

таъминлашнинг самарали тизимини яратиш, илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техникавий ҳамда тажриба базасини ривожлантириш каби аниқ ва муҳим вазифалар туарди.

1991 йилга келиб Ўзбекистон Фанлар академиясида асосий фондларнинг 34 фоизи, фондлар фаол қисмининг 46 фоизи емирилиб, ишдан чиқиб бўлганди. Уларни сотиб олиш учун берилган талабномалар СССР Фанлар академиясининг моддий-техника таъминоти идоралари томонидан атиги 25-28 фоизга қондирилганди, холос. Мазкур эҳтиёжлар учун валюта маблағи деярли ажратилмаганди.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида Ўзбекистонда илм-фаннынг, хусусан, Фанлар академиясининг ҳолати юқоридаги даражада эди. Ўзбекистон ҳукумати бундай зиддиятли вазиятни ўз вақтида англаш етди. 1992 йил январда Ўзбекистонда фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида Республика Кенгashi ташкил этилди. Илм-фаннынг устувор аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, мамлакат Президенти 1992 йил 3-4 март кунлари бўлиб ўтган Фанлар академиясининг йиғилишида қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, 1991-1992 йилларда Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантириш, уни халқаро андозалар даражасида тараққий этишини таъминлашга оид қатор тадбирлар ўтказилди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 18 февралдаги Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаситашкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, мамлакат раҳбарининг 1992 йил 31 марта Фармонига биноан Олий Аттестация Комиссияси (ОАК) ташкил этилди.

1992 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий мажлисида унинг янги Низоми қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 14 августда ўз қарори билан мазкур Низомни тасдиқлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси муассасалари ва ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 декабрдаги ягона тариф жадвалига мувофиқ қайта кўриб чиқилди. Янги Низомга биноан, илмий-тадқиқотлар мавзулари Ўзбекистон Фанлар академияси муассасалари ва ташкилотларининг таклифлари асосида, фундаментал тадқиқотлар кўлламини кенгайтириш ва савиасини оширишни, илмий ишланмаларнинг амалий аҳамиятини, уларнинг устувор йўналишларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1992 йил 8 июлдаги “Фан ва инновация фаолиятининг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-куватлаш тўғрисида”ги Фармони, уни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ВМнинг “Фаннинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-куватлаш тадбирлари ва инновацион фаолият ҳақида”ги қарори мамлакат илмий салоҳиятини янада кўтаришда муҳим омил бўлди.

Ўзбекистонда илм-фанни янада ривожлантириш, иш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилда “Фан ва инновация фаолиятини қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат Фанлар академияси

фаолиятини яхшилаш, умуман, илм-фаннынг моддий-техника базасини ривожлантиришда катта аҳамият касб этди. Фанлар академияси институтларининг 64 та ишланмалари халқ хўжалиги турли тармоқларига жорий этилди, яна 55 та иш амалда фойдаланишга тайёрлаб қўйилди. Илмий-тадқиқот ишлари режасини бажариш учун 1992 йилда давлат бюджетидан 440,1 млн. сўм ажратилди. Бу 1991 йилдаги маблағлар миқдоридан 366,4 млн. сўм қўп эди.

Ўтиш даври муаммоларини ҳал қилиш учун энг аввало Ўзбекистон хорижий давлатлар билан илмий, илмий-техникавий ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим эди. Шу мақсадда Ўзбекистон хукумати ва Фанлар академиясининг ташаббуси билан 1992 йил 3 марта Ўрта Осиё, Қозогистон ва Озарбайжон Фанлар академияси Президентларининг учрашуви бўлди. Унда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон Фанлар академияси Президентлари Фанлар академияларининг илмий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар.

Учрашувда биринчи Президент И. Каримов илм-фан соҳасидаги халқаро алоқалар хусусида тўхталиб, “Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган қўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш,- деганди И.Каримов,-давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликарини бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир”<sup>17</sup> дея таъкидлади.

1991 йилнинг охирларида АҚШ, Канада, Франция, Польша ва Португалиядан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ҳамкорлик шартномаларини имзолаш бўйича таклифлар келди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 25 давлат билан илмий-тадқиқот бўйича ҳамкорлик қилди. АҚШ, Канада, Белгия, Жанубий Корея, Италия, Германия билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди. 1992 йил май ойида республика Фанлар академияси Ядро физикаси институти ва Канаданинг “Триумф” ядро маркази ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хориждаги шериклари билан фундаментал тадқиқотлар асосида ҳамкорликда қўшма корхоналар ва лабораториялар қуришга ҳам эътибор қаратди. Масалан, АҚШнинг Монсанто компанияси муассасаси билан республика Фанлар академияси Генетика институти ҳамкорликда биотехнологиялардан фойдаланиш асосида “Монсанто” қўшма корхонасини барпо этдилар. Шу билан бирга Фанлар академияси илмий ходимларининг илмий сафарлари ҳам қўпайиб борди. Масалан, 1992 йилда 140 нафар ходим хорижий илмий марказларга сафарга борган бўлса, хориждан 216 нафар олим Ўзбекистонга келди. 1992 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг халқаро илмий иттифоқ Кенгашига аъзо бўлиши алоҳида аҳамият касб этди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, таълим соҳасини ислоҳ қилиш мамлакат олдида турган муҳим йўналишлардан бири сифатида қабул қилинди. Давлат томонидан қуйидагиларни амалга ошириш йўлга қўйилди:

- давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

<sup>17</sup> Каримов И.А.. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараккиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 24-бет.

- ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш;

- барча турдаги таълим муассасалари битирувчиларининг кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуққа эга бўлишини таъминлаш;

- бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халкаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга бўлиши;

- республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши.

Ўзбекистонда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

- таълимнинг узлуксизлиги ва изчилиги;

- умумий ўрта, шунингдек, ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқиши танлашнинг ихтиёрийлиги;

- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

- билимли бўлиш ва истеъодни рағбатлантириш;

- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари унинг демократик, инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш, халқимизнинг тарихий анъаналари ва педагогикаси, шунингдек, жаҳон халқлари педагогикасининг илгор ютуқлари асосида таълим мазмунини тубдан ўзгартириш, шу мақсадда ўқитувчилар, педагогик жамоаларнинг ташаббускорлигига кенг имкониятлар очиб бериш ва уни ҳар томонлама рағбатлантириш, билим ва қўнималарининг пухталигини таъминлайдиган замонавий дидактик воситалар кўллашни кенг кўламда йўлга қўйиш, шу асосда таълим мазмунини яхшилашга эришишдан иборат бўлди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури З босқичдаги ислоҳотлар асосида амалга оширилди. I босқич – 1997-2001 йилларда дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шартшароитлар яратилди. Бунинг учун давлат томонидан қўшимча равища 65 миллиард сўм маблағ сарф қилинди. Бу босқич кадрлар тайёрлаш дастури-нинг моддий-техник баъзасини яратиш даври деб номланди. II босқич – 2001-2005 йилларни ўз ичига олиб, миллий дастур кенг миқёсда жорий этилди. Бу босқич Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичи деб ном олди. III босқич – 2005 йилдан бошланиб, ундан кейинги йилларни ҳам ўз ичига олмоқда. Бу босқичда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси якунига етказилиб, эришилган натижалар, тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, таҳлил этилди ҳамда шу асосда юртимизда янги таълим тизими такомиллаштирилди. Шу боисдан бу босқич таълим тизимини модернизациялаш даври деб аталди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қуйидаги мақсадларни ўз олдига қўйди:

- таълим тизимида кадрларнинг салоҳиятини ҳар томонлама такомиллаштириш ҳамда ўқитувчилар, устозлар ва илмий ходимларнинг профессионал нуфузини ошириш;
- таълим тизимини таркибий қайта қуриш, таълим ва профессионал дастурларни тубдан ўзгартириш, таълим, фан, технология, иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги жаҳон ютуқларига таяниш;
- мажбурий ўрта умумтаълим, ўрта маҳсус, профессионал таълим ва тарбия тизимиға ўтишни таъминлаш.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганидан сўнг республикада бутун таълим тизими, жумладан, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналиши ҳам тубдан ислоҳ қилишнинг аниқ стратегик дастурига эга бўлди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Ўзбекистонга хос энг муҳим хусусияти – янги турдаги З йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимини яратишдан иборат вазифа событқадамлик билан амалга оширилди. Замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган касб-хунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди, янги таълим стандартлари ва ахборот технологиялари, интерактив усуллар ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Олий таълимда бакалавриат ва магистратура тизими жорий қилинди. Жаҳон стандартларига хос олий таълим тизимиға ўтилди.

Таълим тизими Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни билан белгиланган бўлиб, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва профессионал таълим, олий профессионал таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим шаклларида ташкил қилинди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда нисбатан қисқа муддатларда дунёning етакчи давлатларида таълим соҳасида эришилган илғор ютуқлар, миллий анъаналарни ўз ичига олган принцип жиҳатдан янги модели ташкил қилинди. Янги турдаги билим юртлари – академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари тармоғи кенгайтирилиб, янгилари ишга туширилди. Олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлашнинг икки босқичли тизими бакалавриатура йўналиши ва магистратура мутахассисликлари жорий қилинди.

### **3.4. Янги Ўзбекистонда Ёшларга оид давлат сиёсати ва хотин-қизлар хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари**

Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислоҳотлар давомида жаҳондаги нуфузли университетлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Натижада, юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга Европа ва Осиёning етакчи олий ўқув юртлари Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер университети, И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни

ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари ташкил этилди ҳамда муваффақиятли фаолият юритди. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳукуки каби меҳнат бозорида талаби юқори бўлган мутахассислар тайёрлади ва уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлдилар.

2012 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ҳалқаро конференцияда кўплаб иирик ҳалқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, 8 та ҳалқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этиб, узлуксиз таълим соҳасини ривожлантириш ва ёш авлодни баркамол тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўргандилар. Ҳақиқатан ҳам юртимизда фаол, интилувчан, иқтидорли ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни чуқур эгаллаган бугунги ва эртанги қунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни вояга етказиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Конференция давомида қуйидаги кўрсаткичлар эътироф этилди: Таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажми ўтган даврда 500 млн. доллардан ошиб кетди. Осиё тараққиёт банкининг 290 млн. доллар маблағи, Жанубий Корея ҳукуматининг 110 млн.дан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 млн., ОПЕК фонди, Ислом тараққиёт банкининг 42 млн., Германия ҳукуматининг “КФВ” банки орқали йўналтирилган қарийб 20 млн. ва бошқаларнинг 100 млн. доллардан ортиқ ёрдами кўрсатилди. Таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўнималарни эгаллаши, айни пайтда, чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ходисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишига катта аҳамият берилмоқда.

Бугунги қунда таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатлар дастлабки натижаси сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган ва шу билан бирга, ўз фикрини она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта оладиган янги мутахассислар авлоди намоён бўлди.

Таълим соҳасида, замонавий кадрлар талаб қилинадиган тармоқлар вакиллари ўртасида ҳалқаро ҳамкорлик ҳам ривожланганлигини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Ўзбекистонда бугунги қунда таълим соҳасида алоҳида эътироф этиб келинаётган ютуқлар сифатида мактаб таълими мамлакатда яшаётган турли миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда 7 тилда – ўзбек, корақалпок, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилаётганини кўрсатиш мумкин. Бунда ҳар бир битирувчи мажбурий таълимдан сўнг ўз хоҳишига кўра, олий ўқув юртларида ўқишини давом эттириши ва бакалавр ҳамда магистр

даражасини олиши мумкин. Ҳар бир коллеж тегишли корхоналар билан алоқа боғлаган. Республиканинг ҳар бир ўқув юртида оптик-толали алоқа линиялари асосида қурилган ягона “ZiyoNet” ахборот таълим тармоғида уланган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арzon уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланди. “Ҳама нарса инсон манфаатлари учун” тамойилидан келиб чиқиб, ижтимоий соҳада аҳоли турмуш даражасини юксалтириш бўйича йўналишлар белгилаб олинди. Жумладан, қишлоқларда янги типдаги ёш оиласлар учун мўлжалланган, мақбуллаштирилган ер участкасига эга бўлган 2-3 хонали турар жой бинолари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қатор шаҳарларда “тоза ҳудуд” корхоналари ташкил этилиши, ички йўлларни қуриш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чора- тадбирлари кўрилди.

Янгианаётган Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тадбирлар ҳам амалга оширилди. Жумладан, мактабгача таълим соҳасини ислоҳ қилиш мақсадида беш йиллик алоҳида дастур қабул қилинди. Бир қатор мактабгача таълим муассасалари реконструкция қилинди. Мактаб тизимини қайта кўриб чиқиб, тажрибали педагог, ота-оналар билан сухбатлашиб, ўқувчилар билан ўтказилган мулоқотлардан сўнг 9 синфи тамомлаган ўқувчилар учун ўқишини ихтиёрий равишда колледж ёки лицейда ёки 10-11 синфларда давом эттириш имкониятлари яратиб берилди.

Олий таълимни тубдан такомиллаштириш, халқаро стандартлар даражасига етказиш мақсадида олий таълимни компелкс ривожлантиришга қаратилган Дастан, Фармон, Қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғриси-да”ги 2019 йил 8 октябрь ПФ-5847-сон Фармони муҳим аҳамият касб этди.

Юқридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг замонавий босқичда инновацион жараёнларни қўллаш ва амалга оширишнинг иқтисодий меҳиназмларини такомиллаштириш, республикада олий таълим муассасаларини самарали бошқаришнинг жаҳон стандартларига асосан таълимда сифат менежменти усулларини самарали қўллаш, глобалашув ва миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион технологияларни қўллаш асосида таълим тизими сифатини ошириш ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашда олий таълим муассасаларини самарали инновацион стратегиялар йўналишларини ишлаб чиқиш, республика олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ривожлантиришда самарали

хорижий тажрибаларни янада оммалаштириш асосида таълим сифатини ошириш бўйича тавсиялар ва ишланмалар ишлаб чиқиш, миллий таълим тизимини модернизациялаштириш шароитида республикада олий таълим муассасаларида замонавий таълим хизматлари турларини кенгайтириш, олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ривожлантириш асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни янада кучайтириш, республика олий таълим муассасалари фаолиятига инновацион механизmlарни татбиқ этиш асосида таълим сифатини ошириш бўйича истиқболли йўналишларни аниклаш ва амалга ошириш кабилар асосий вазифалар қилиб белигиланди. Натижада, 2019 йилга келиб 14 та янги олий таълим муассасалари, 6 та маҳаллий, 8 та хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолияти йўлга қўйилди. 40 та янги таълим йўналишлари ҳамда 41 та мутахассисликлар ташкил этилди. Республика олий таълим муассасаларида хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 55 та қўшма таълим дастури доирасида янги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга киришилди.

2017 йилдан ўтган давр мобайнида маданият ва спорт соҳасида Ўзбекистоннинг бой ва ўзига хос маданияти, санъати ва иқтисодини янада ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган давлат сиёсати амалга оширилди. Шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралда “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил этилди. Шунингдек, миллий-маданий ва маънавий меросни асрраб-авайлаш ва кўпайтириш, санъат ва бидий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги ҳузурида “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ҳамда Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

2017 йил 30 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари билан бўлиб ўтган учрашуви ёшлар ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Ўзбекистон ёшларини бир мақсад сари бирлашриб, сафарбар эта оладиган “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” ташкил этилди. Айни пайтда ёшлар тарбиясини мустаҳкамлаш ва уларни қўллаб -қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 2017 йил 5 июль Фармони қабул қилинди. Барча даражадаги давлат хизмати органларида, маҳаллаларда ёшлар масалалари бўйича хизматлар ташкил этилди. 30 июнь мамлакатда “Ёшлар куни” деб эълон қилинди.

Ёш мутахассис ва тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, уларга солик имтиёзлари ва преференциялар жорий қилинди.

Хотин-қизлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. 2017 йилда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан бир қатор тадбирлар ўтказилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий

химоялашни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси етакчи муассаса сифатида белгиланиб, унга тегишли ваколат ва хукуқлар берилди. Бир қатор янги механизмлар жорий қилинди, жумладан, уй – жойи бўлмаган ёки эски уйларда яшовчи республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридаги ўрта ҳисобда 5 та оиласа арzon уй-жойлар бериш, республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳрида ўрта ҳисобда 70 тагача оиласа ҳар йили майший техника ёки бир бошдан қорамол харид қилиб бериш, оғир касалликлар мавжуд бўлган тақдирда тиббий хизматлар ҳақини тўлаш ва ҳар бир туман ва шаҳарда ўрта ҳисобда 6 тагача кам таъминланган оиласаларга беғараз ёрдам кўрсатиш учун маблағлар ажратиш асосий вазифа қилиб белигиланди.

“Муруват” ва “Саҳоват” интернат уйларида истиқомат қилаётган ногиронлар ва кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида интернат уйларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича хомийлик кенгашлари, шунигдек, Бюджетдан ташқари интернат-уйларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилинди.

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишидаги шарт -шароитлар
2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизори шароитида Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқизорга қарши чора-тадбирлар дастурининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ўз натижалари
3. Бозор муносабатларига ўтишининг хукуқий асосларини яратилиши Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида амалга оширилган инвестиция сиёсати
4. Ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари.
5. Ижтимоий химоянинг амалга оширилиши, унинг босқичлари, янги Ўзбекистонда соҳадаги ўзгаришлар, унинг натижалари. Фан ва таълим соҳасидаги ислоҳотлар.
6. Янги Ўзбекистонда Ёшларга оид давлат сиёсати ва хотин-қизлар хукуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т. 1. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т. 2. – 382 б.
3. Каримов. И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т. 3. – 366 б.
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. Т. 7. – 410 б.
5. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидар. Т. 15. - Тошкент: Ўзбекистон, 2007. - Б. 318.

6. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йзлида. Т. 16. – Т.: Ўзбекистон, -Б. 365.
7. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т. 17. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 280.
8. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20.– Toshkent. O’zbekiston, 2012. - Б.320.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баратарф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент. Ўзбекистон, 2009. - 22 бет.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - 440 бет.
11. Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
12. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари: Олий ўкув юрти талабалари учун дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
13. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. Тошкент: Маънавият, 2011. Б.272
14. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
15. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент: Шарқ, 2006.

#### **Интернет сайтлари:**

16. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
17. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
18. [www.google.uz](http://www.google.uz).

**МАВЗУ 4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини  
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар  
стратегиясининг қабул қилиниши. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини  
эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш.**

**РЕЖА:**

- 4.1.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши такомиллаштириш вазифаларини белгиланиши
- 4.2.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш вазифаларини белгиланиши
- 4.3.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш вазифалари
- 4.4.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида чукур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёsat соҳасидаги устувор йўналишларнинг белгиланиши.

**Таянч иборалар: стратегия, жамият қурилиши, устувор йўналишлар, либераллаштириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, суд-ҳукуқ соҳаси, амалий ташқи сиёsat.**

**4.1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини  
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар  
стратегиясида давлат ва жамият қурилиши такомиллаштириш  
вазифаларини белгиланиши**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор

бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечиб, бозор иқлоҳотлари босқима-бочқич амалга оширилган ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилган макроиктисодий барқарорликни иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хилмат қилди.

Айниқса 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди.

2017 йил 12 июл куни ўтказилган Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилиши қонунчилик палатасининг фаолиятида кенг ислоҳотлар даврини бошлаб берди. Ш.Мирзиёевнинг мазкур учрашувдаги дастурий маърузасида парламент ва ҳокимият вакилларини учун янги сиёсий йўл белгилаб берилди. Хусусан, ҳалқ билан, ҳалқнинг ўзи танлаган қонуний вакиллари билан мулоқотнинг тубдан янги механизми таклиф этилди.

2017 йилдан эътиборан янги демократик институт-Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожат билан чиқиши институти жорий филинди. Ушбу теран сиёсий ва юридик мазмун-моҳиятга эга бўлган муҳим институт парламентнинг мамлакат ҳаётидаги роли ва ўрнини чинакамига ошириш, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги сиёсий йўлидаги муҳим устуворликлар ва вазифалар бўйича ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлаш учун кенг имкониятла эшигини очди.

Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлисга ҳар йили йўллайдиган ана шу Мурожатномаларида белгиланган вазифалар милий парламентнинг бутун депутатлар корпусининг фаолиятини тубдан модернизация қилишнинг асосий негизига айланди. Ушбу вазифаларга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги, назорат –таҳлил фаолияти соҳасидаги ишлар қисқа муддатда қайта кўриб чиқилиб, сифат жиҳатидан янги усул ва шакллар жорий этилди. Хусусан, Қонунчилик палатаси фаолиятида ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш кучайди. Парламент тарихида илк бор янги институт – “хукумат соати” жорий этилди. Бу парламент назорати юритишнинг янги шакли – хукуматнинг ҳар чораклик ҳисоботини эшитиш депутатлар фаолияти самарадорлигини ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Парламент тарихида илк бор 2019 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йилга мўлжалланган давлат Даствури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиши амалиёти йўлга қўйилди. Ушбу назорат – таҳлил тадбирларининг якунларидан келиб чиқсан ҳолда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, қабул қилинган қарорлар ижро ҳокимияти органларига юборилди. Таъкидлаш жоизки, ўтказилган ҳар бир парламент

назорати тадбири мансабдор шахслар ишига танқидий баҳо беришга ҳамда аниқ таклифлар ишлаб чиқишига қаратилди. Мазкур таҳлил-назорат тадбирлари давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан қонун ва қонуности хужжатлари талабларига қатъий амал қилиниши устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш имконини берди. Шунингдек, жойларда парламент назоратини амалга ошириш депутатларнинг сайлов округлари даги сайловчилар билан ҳамкорлигининг шакллари ва усуллари, ижро этувчи ҳокимият органларига мавжуд муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш, ҳудудларда таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш механизмлари ўзgartирилиб, мутлақо янгича мазмун-моҳият билан бойитилди. 2017-2018 йилларинг ўзида республика-мизнинг 137 та туман ва шаҳаридаги ҳақиқий ҳолат жойларида ўрганиб чиқилди. Фуқароларни ташвишлантираётган муаммоларни тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни аниқлаш учун хонадонма – хонадон, уйма – уй юрилиб, 400 минг нафардан зиёд фуқаролар ҳамда 14 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти вакиллари билан сухбатлар ўтказилди. Ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тизимли ишлар йўлга қўйилди. Бундай ҳаракатлар депутатлар фаоллигини ҳам оширди. Агар 2016 йил мобайнида депутатлар ташаббуси билан жами 11 та қонун киритилган бўлса, 2017 йил мобайнида бу кўрсаткич 27 тани ташкил этиб, 2,5 баравар ўсади. Беш йилликда қабул қилинган хужжатларнинг сифатини яхшилаш бўйича аниқ чоралар кўрилди. Қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамаси ташкил этиш тартиби киритилди. Норматв-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, уларга илова қили-наётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмий-лаштиришнинг ягона услуби тасдиқланди. Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонун хужжатларини қайта кўриб чиқиши бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Давлат раҳбари томонидан Қонунчилик палатасига соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда мавжуд вазиятни яхшилашга бошқош бўлиш таклифи билдирилди. Соғлиқни сақлаш, инсонларнинг соғлиғини таъминлаш, бу борадаги тиббий хизматлар сифатини ошириш масалаларига Кўйи палатани масъул қилиб белгиланганлиги депутатлик корпусининг фаолиятига янгича муҳим йўналиш олиб кирди. Қонунчилик палатаси ҳузурида Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ва дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали тадбиқ қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича комиссия, Қонунчилик палатасининг фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Ёшларга оид олиб борилаётган сиёсатда қўйи палатанинг ролини ошириш мақсадида 2017 йилда Қонунчилик палатасининг Ёшлар масаласи бўйича комиссияси тузилиб, унинг асосий вазифа ва ваколатлари белгилаб олинди. Ўзбекистон республикаси президенти ташаббуси билан парламент фаолиятини илмий, ахборот – таҳлилий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини ошириш, парламентнинг қонун ижодкорлиги ишлари сифатини тубдан яхшилаш мақсадида 2017 йил 29 декабря Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилди. Институт

томонидан демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация килишда парламентнинг ролини кучайтириш, унинг норма ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишидаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Конунчилик палатасида давлат бюджети, иқтисодиёт, пул-кредит сиёсати масалаларида, давлат бюджети ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлашда депутат ва сенаторларга профессионал, мустақил ва холис ахборот – таҳлилий, экспертлик хизмати кўрсатиш мақсадида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилди. Олий Мажлис фаолиятини молиявий, моддий – техник, ташкилий жиҳатдан таъминлаш такомиллаштирилди. Олий Мажлис палаталари қўмиталари ҳузурида улар фаолиятига бевосита ёрдам берадиган котибиятлар ташкил этилди.

Олий Мажлис Сенатининг Конунчилик ва суд ҳукуқи масалалари қўмитаси негизида Сенатнинг Суд ҳукуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ташкил этилди.

Олий Мажлис Конунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳукуқ масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб, мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошириш, давлат бошқарувининг мутлақо янги ва самарали фаолият юритувчи тизимини яратиш вазифалари белгиланди. Шу муносабат билан мамлакатда давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш ва модернизация қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун электрон порталлар ва маълумотлар базалари яратилди. Хусусан, рухсат берувчи ҳужжатлар ва лицензия олишни соддалаштириш учун [www.license.gov.uz](http://www.license.gov.uz), «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш учун [birdarcha.uz](http://birdarcha.uz) веб-сайтлари яратилди. Давлат хизматларини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш натижасида тадбиркорлик субектларини рўйхатга олишнинг тартиб-таомиллари 4-мартага, рўйхатга олиш учун зарур вақт эса 30 дақиқага қадар қисқартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармон 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда муҳим қадам ҳисобланди ҳамда моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида янги саҳифани очиб берди. Маъмурий ислоҳотлар концепциясида давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та асосий йўналиши белгилаб берилди. Булар қуйидагиларда ўз аксини топди, Биринчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳукуқий асосларини такомиллаштиришга бағишлиланган. Мазкур соҳадаги чора-тадбирлар қуйидагиларни назарда тутади, ижро этувчи ҳокимият

органларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш, кадрлар ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органларини оптималлаштириш, ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларнинг Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини изчил такомиллаштириш ва «Электрон хукумат» тизимини янада кенг жорий этиш, маъмурий адлияни ривожлантириш ва мурожаатларни коллегиал эшитишни жорий қилиш. Иккинчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштиришни назарда тутади. Шу муносабат билан қўйидаги масалалар бўйича чора-тадбирлар кўрилади, ривожланиш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлиги ва ролини ошириш, мақсадли индикаторларга эришишга асосланган, барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий қилиш, халқаро амалиётда муваффақиятли қўлланилаётган, шу жумладан, сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг каби ишни ташкил этишнинг замонавий услубларидан фойдаланиш, ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишда жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шаклларини жорий этиш. Учинчи йўналиш иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирни қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш ҳисобланади. Ушбу йўналишда қўйидагилар режалаштирилди, хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишни чеклаш ва амалдаги давлат корхоналарини қайта ташкил этиш, иқтисодий фаолиятда давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқукий ва институционал базасини такомиллаштириш, айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш. Тўртинчи йўналишда, жумладан, қўйидагилар орқали вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш назарда тутилган, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг роли ва жавобгарлигини ошириш, ҳудудий органларнинг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш. Бешинчи йўналиш давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган. Мазкур чора-тадбирлар қаторида қўйидагиларни таъкидлаш лозим, давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқишига инвестицияларни фаол жалб этиш, замонавий илмий-тадқиқот ва инновацион

ютуқларни муваффақиятли жорий қилиш учун зарур бўлган ривожланган инфратузилмани яратиш, табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш. Олтинчи йўналиш-да профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши қурашишнинг таъсирчан механизмларини ўрнатиш белгиланган. Уларга эришиш учун қўйидагилар режалаштирилган, давлат хизматининг шаффоғлиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга кўйишининг янги механизмларини жорий этиш, давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини киритиш орқали уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш.

Бундан ташқари, Фармон билан Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси нормаларини амалий рўёбга чиқариш бўйича 40 дан ортиқ аниқ тадбирларни назарда тутувчи «Йўл харитаси» тасдиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепция-сини амалга ошириш бўйича комиссия ҳамда давлат бошқаруви тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Комиссия ишчи гуруҳлар томонидан тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқили-шини ташкил этади, шунингдек, Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ва «Йўл харитаси»нинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан қатъий назорат олиб боради. Шу билан бир қаторда, Комиссияга давлат бошқаруви тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш жадвалини тасдиқлаш вазифалари юклатилди, унга асосан 100 дан ортиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини қайта кўриб чиқиши режалаштирилди. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилиши «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган улуғвор ғояни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида “Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли бекиёс эканини алоҳида таъкидлаган эди. Бугун кунда ҳаётга татбиқ этилаётган Ҳаракатлар стратегияси фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишдаги ролини ҳам янги ривожланиш босқичига кўтармоқда. Ушбу йўналишда Ҳаракатлар стратегиясига асосан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Адлия вазирлигининг маълумотига кўра, 2018 йил 1 июль ҳолатига адлия органларида 9478 та нодавлат нотижорат ташкилоти ва уларнинг алоҳида бўлинмалари давлат рўйхатидан ўтган. Энг кўп ННТ Тошкент шаҳри (808), Фарғона (802), Самарқанд (745), Андижон (701) вилоятларида рўйхатдан ўtkazilgan.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ 2019 йилда ЎзННТМА ва худудий бўлимлари фаолияти бўйича Давлат дастури ижросига ННТларни кенг жалб

қилишдаги устувор вазифалар қуидагилардан иборат қилиб белгиланди: **бириңчидан**, жамоатчилик бошқаруви тизимини ислоҳотлар талабларига мувофиқ такомиллаштириш асосида жамиятда ЎзННТМАнинг ўрни ва нуфузини ошириш ҳамда фаолиятини комплекс ривожлантириш, жамиятда жамоатчилик назорати самарадорлигини юксалтириш, давлат органлари билан ижтимоий шерикликни янада кучайтиришга қаратилган амалий чораларни қарор топтиришда фаол иштирок этиш; **иккинчидан**, жамиятда ҳуқуқий маданиятни, юксак маънавиятни, миллий ва умуминсоний қадриятларни, инсон ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари билан ҳамкорликни янада жадаллаштириш асосида жамоат назорати тамойилларини ҳаётга янада кенг ва изчил жорий қилиш; **учинчидан**, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган дастурларни, инновацион лойиҳаларни миллий иқтисодиётга жорий қилишга қаратилган ижтимоий тадбиркорлик билимларини шакллантиришда давлат органларига кўмаклашиш; **тўртинчидан**, ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланган аҳоли қатламларини бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлари ижросини бажарилиши бўйича жамоатчилик назоратини самарадорлигини оширишда давлат органлари билан ҳамкорлик қилишни янада кучайтириш; **бешинчидан**, мамлакатимизда ишчи кучи рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларда фаол иштирок этиш; **олтинчидан**, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилашда ННТларнинг инновацион фаоллигини юксалтиришга қаратилган лойиҳа-ларни қўллаб-қувватлаш; **еттинчидан**, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар марказида инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари давлат ва жамият олдида турган устувор вазифа сифатида белгиланлигини эътиборга олган ҳолда ЎзННТМА ва қуи бўғинлари томонидан ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган тадбирларда мазкур соҳани кенг ёритишда фаол иштирок этиш.

Ўзбекистон Президентининг  
“Мамлакатни демократик янгиланиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирларлари тўғрисида”ги Фармони ана шундай юридик ҳужжатлардан бири бўлиб давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масала-лари бўйича ўзаро фикр алмасиш учун самарали муносабатлар майдон-ларини яратилишига хизмат қиласи. Ушбу Фармон фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, “учинчи сектор”да банд бўлган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир қатор имтиёзларни белгилаб берди: Булар қуидагиларда кўринди. 2018 йил 1 июндан бошлаб нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбирларни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш талаб этилмайди, балки бундай тадбирлар ҳақида хабардор қилиш белгилаб қўйилди. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси миқдори 25 фоиздан 15 фоизгача камайтирилди.

Фармон чиқмасидан олдинги ҳужжатларда жамоат фондларининг ҳар йилги маъмурий харажатлари, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари га тўланадиган ҳақ ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариши би-лан боғлиқ харажатларнинг компенсация қилиш фонд барча харажатлари суммаси-нинг 20 фоиздан ошмаслиги ўргатилган бўлса, эндиликда ушбу сумма 30 фоиз қилиб

белгиланди. Шу асосда жамоат фондларига ўзларининг фаолиятини ташкил этиш учун кўпроқ маблағ жалб этишга рухсат берилди. Фармоннинг муҳим эътиборли томони шундаки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига пенсия тўлиқ тўланиши белгилаб қўйилди.

Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига кейинги икки йилда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унинг институтларини ривожлантиришга қаратилган норматив–хукуқий асосларни такомилаш-тиришда муҳим қадамлар қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишни назарда тутган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги маҳсус Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга мувофиқ Президент ҳузурида давлатнинг ва фуқаролик институтларини жамият ҳаётини янада ҳар тамонлама жадал ривожлантириш асосида ҳамкорлик ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий демократик институтлар фаолиятини самарадорлигини таъминлашга қаратилган Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Фармоннинг тарихий аҳамияти шундан иборатки, унда ушбу соҳада мавжуд бўлган камчиликлар асослантирилган ва таҳлил қилинган равишда кўрсатиб берилган ҳамда Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини ҳамда шу асосда ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегик йўналишларни ишлаб чиқишининг зарурлиги таҳлиллар асосида кўрсатиб берилди.

Мустақиллик йилларида ҳалқимизнинг тарихий қадриятлари, маънавий мероси, урф-одат ва маросимлари қайта тикланди. Ҳозирги жадал ўзгаришлар маҳалла, унинг бошқарув тизими, ижтимоий – хукуқий фаолия-тини янгича мезонлар асосида таҳлил қилишни, бугунги замон талабларига жавоб берадиган ўзини ўзи бошқариш органинг янгича тузилмасини шакллантиришни, унинг иш юритиш тизимини самарали ташкил этишни тақазо этмоқда. Бу борада 2017 йил 3 февралда янги таҳрирда қабул қилинган “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги Фармони муҳим қадам бўлди. Унга кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳузурида “Ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича раис ўринbosari”, шунингдек Республика кенгаши ва худудий кенгашлар ҳузурида “Кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринbosari” лавозими ва маҳаллаларда “Қайноналар кенгаши” ташкил этилди.

Ушбу тузилмалар фаолитини бугунги кун руҳида такомиллаштириш нуқтаи назаридан 2018 йил 15 февралда норматив ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳалла институтини янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги янги Қарори қабул қилинди. Қарорнинг эътиборли томони шундаки, 2018 йилнинг 1 апрелидан ташкил этилган маҳаллалардаги “диний маърифат ва маънавий – ахлоқий тарбия масалалари бўйича раис маслаҳатчиси” лавозими ўрнига “Хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласларда маънавий ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис” лавозими таъсис этилди.

Маҳаллаларнинг ролини ва мақеини ошириббориш, уларнинг жамият

тинчлиги ва фаровонлигидаги ўрни ва ролини яхши тушунган Ўзбекистон ҳукумати 2018 йил 27 июндан “Обод маҳалла” давлат дастурини қабул қилди ва бу дастур доирасида маҳаллаларда тадбиркорлик билан шуғулланишни истовчиларга бўш турган ерларни тадбиркор ва хунармандларга ноль қийматда бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб –қувватлаш каби вазифалари белгилаб берди. “Обод маҳалла” жамғармасини ҳам молиялаштириш вазифалари белгиланди.

Шунингдек, 2018 йилдан бошлаб маҳалла фуқаролар йигинлари ҳузуридаги

-“Яраштириш комиссияси”га - Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси;

“Маънавият ва маърифат масалалари бўйиса комиссия”сига - Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги бириктирилди;

“Ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси”га – Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Молия вазирлиги, Касаба ўюшмалари федерацияси, “Нуроний” жамғармаси;

“Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясига” – Республика Хотин –қизлар қўмитаси;

“Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси”га – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ички ишлар ва халқ таълими вазирликлари, жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси;

Тадбиркорлик фаолияти ва оиласий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси”га – Савдо саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда тижорат банклари;

“Экология ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси”га – Экология ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон экология ҳаракати;

“Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси”га – Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси явиндан қўмак бериши белгилаб қўйилди.

2019 йилнинг 13 августида маҳаллаларда тадбиркорларнинг муаммоларини қонуний ҳал қилиш, соҳада самарали тизим яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжаллан-маган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Конуни ва Ўзбекистон республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизи-мини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, тадбир-корлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузил-масидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳар ҳокимликларига қуидагиларни амалга ошириш таъқиланиши белгиланди:

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларидағи тадбиркорларни ўз фаолиятидан ташқари, шу жумладан, хомийлик ва хайрия ёрдами қўрсатиш, ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига жалб қилиш, маҳаллий тадбиркорларни қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларга ва меҳнат ресурслари, пул ва бошқа моддий бойликларни йўналтириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш, тадбиркорлар иштирокида мажбурий тартибда, шу жумладан, уларга нисбатан маъмурӣ ва бошқа чораларни қўллаш таҳдида остида ортиқча йиғилишларва тадбирлар ўтказиш.

Энг муҳими, янги қонун ва фармонга мувофиқ, 2020 йил 1 январдан эътиборан ўша маҳалла ҳудудидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар эгалигига бўлган, улар фойдаланидиган, уларнинг мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ваколатлари маҳаллий халқ депутатлари кенгашларига бериладиган бўлди.

Умуман, янгиланаётган Ўзбекистонда 2020 йилга келиб маҳалла тараққиётининг янги босқичи бошланди. Ўтган 2017-2020 йиллар оралиғида аҳоли муаммоларини аниқлаш, **“Маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси - маҳалла”** тамойили асосида маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги асосий кўприк бўлишини амалда таъминлаш, оила ва маҳалла ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий – маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиши чора – тадбирлари тўғрисида”ги Фаромни қабул қилинди. Ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ вазирликнинг ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

2020 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигига “Маҳалла – тинчлик – осойишталиқ, ободлик ва фаровонлик марказига айланади. Деб номланган видеослектор ўтказилди. Унда маҳалланинг нуфузини ошириш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, маҳаллаларда тинчлик осойишталиқни таъминлашда маҳаллаларнинг ролини ошириш, 200 дан ортиқ вазифалари белгиланган маҳаллаларда ишлашнинг мураккаб бўлиб қолишини эътиборга олган ҳолда бу йўлида маҳалла раисларининг ваколат муддатларини 3 йилдан 5 йилга кўпайтириш кераклигини, унинг 2 нафар ўринбосари ўрнига 3 нафар ўринбосари жорий этилишини, уларнинг ваколат муддатини ҳам 5 йилга етказиш кераклигини алоҳида таъкидлади. Натижада 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва “фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунлар, 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлартўғрисида”ги Қонун ва бошқалар муҳим ўрин эгаллади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ мамлакатимизда

маҳалла бошқаруви тизими 2,5 йил муддатдан сайланган бўлса, 2019 йилда тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган янги таҳриридаги “Фуқаролар йиғини раиси (оқсақоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Низомда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсақоли) ва унинг маслаҳатчиларининг 3 йилга сайланиши белгиланган бўлса 2020 йил февралдан бошлаб 5 йилга сайланадиган бўлди.

1993 йилда республикада жами 12289 та ўзини – ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлган бўлса, уларнинг сони камайтирилиб, 1998 йилда 9583 тага, 2001 йилда 9462 тага туширилди. 2018 йилга келиб 10 мингдан зиёл ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритди.

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси бу фуқаролар билан ишлаш қонуний тизимининг йўлга қўйилиши ҳамdir. Масалан, 2015 йилда Инсон ҳукуқлари бўйича вакил Омбудсман номига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 12 мингдан ортиқ мурожатлар келиб тушган. Мурожатларни ўрганиш натижалари бўйича 6 мингдан ортиқ аризачига уларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини келгусида амалга ошириш бўйича оғзаки ва ёзма тавсиялар тарқатилган. Яна 6 мингга яқин мурожатнома белгиланган тартибда давлат бошқаруви органлари ҳам ҳамкорликда ўрганиб чиқилган.

2016 йилдан бошланган янги давр бу борадаги вазифаларни анча енгиллаштириди. Хусусан, 2016 йил 24 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ қабулхона”лари ва “Виртуал қабулхона”лари ташкил этилди. Унга мувофиқ Президент Виртуал қабулхонасига 2017 йил февраль ойи охиригача 509122 та мурожат келиб тушган ва уларнинг 436408 таси кўриб чиқилган. 2018 йил охиригача бўлса 2 миллион 500 минг нафардан зиёд кишига ёрдам берилган. Бу табиийки маҳаллалар фаолиятини ва масъулиятини янада ошириш вазифаларини қўйди. 2019 йил 1 февралдан бошлаб Президентининг “Аҳоли муаммолари билан ишлашнинг янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра энди мурожатларни кўриб чиқиш учун уйма – уй юриб, муаммоларни жойида ҳал қилиб, давлат органларининг аҳоли билан ишлшини назарда тутувчи янги тизм жорий қилинди.

Ўзбекистонда “Кучли жамиятдан –кучли фуқаролик жамияти сари” дастури асосида 2000 йил 2 июнда “XXI аср маҳалла концепцияси” ишлаб чиқилган. Бу концепцияга “Фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун асос бўлиб хизмат қилди ҳамда концепция қоидалари БМТнинг “Маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш бутунжаҳон Хартияси” ва “Маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа Хартияси” ҳамда ғарбнинг айрим давлатларидағи “Маҳаллий ммуниципал бошқармалар” талаблари ҳам инобатга олинди. Концепцияга қўйидаги вазифалар киритилган

- келажакда фуқаролар ижтимоий таъминотини ташкил қилишни янада такомиллаштириш;

- маҳаллада аҳоли тинчлиги ва тотувлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг келиш, кетиш ҳолатларини қайд қидишини янада такомиллаштириш ва улар ишида фаол қатнашиш;

- ҳарбий хизмат учун фуқароларни рўйхатга олишда ҳарбий тузилмаларга яқиндан кўмак бериш;
- маҳаллалардаги ишсиз фуқароларни рўйхатга олиш, ишга жойлаштиришга тавсиялар бериш;
- маданий – маърифий ишлар олиб боришни янада такомиллаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, турли даражадаги ҳокимликлар, маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари қарорларининг ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган худуддаги бажарилишини назорат қилиш;
- Ёдгорликлар, қабристонлар ва зиёрагоҳларни саклаш устидан назорат ўрнатиш.

Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш, ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасини бошқариш тизимини қайта ташкил қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий ривожланишнинг муаммоли масалаларини ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, соҳадаги ҳозирги ҳолат таҳлили медиа маконда юзага келаётган чақириқларга тезкорлик билан муносиб жавоб қайтарилаётганини кўрсатиб, мамлакатда амалга оширилаётган улкан миқёсдаги ислоҳотлар тўғрисидаги кенг қамровли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш бўйича жамият эҳтиёжлари ахборот соҳасидаги ишларни сезиларли даражада оширишни, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишини тақозо этмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун максимал даражада кулай шароитлар яратиш, давлат ва жамият ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, аҳолига ислоҳотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти шаффофлигини ошириш, шунингдек, уларнинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ва ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида бир қвтор ислоҳотлар ўтказилди. Бугунги кунда ОАВ воситаларини ислоҳ қилиш, уларни қўллаб қувватлаш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ўндан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, соҳадаги қатор тармоқлар негизида журналистларнинг профессонал фаолияти учун зарур қулайликлар яратилди. Хусусан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “телекоммуниципар тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги, “Муаллифлик хукуқи ва турдош хукуқлар тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунларда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш муаммоси яна юзага қалқиб чиқмоқда. Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғинига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларининг

эркинлиги ва мустақиллиги уч омилга боғлиқдир. Булар: биринчидан, маҳсус қонунлар ва қоидаларнинг мавжудлиги; иккинчидан, ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитининг амал қилиши; учинчидан, журналистларнинг касб маҳорати ва ўз сўзи учун масъулият даражаси.

Демак, аввало, оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлиши керак. Бу - улар давлатдан мутлақо мустақил бўлиб, алоҳида шахслар қўлига ўтиб кетиши керак, дегани эмас. Гап мустақилликнинг энг юксак даражаси – ички мустақиллик хақида бормоқда. Оммавий ахборот воситаларининг бундай мустақиллиги журналистлар ижодининг эркинлиги, мавзу танлаш ва фикр беришдаги мустақилликда намоён бўлади. Бунда журналистнинг маъмурий иммунитетга эга бўлиши назарда тутилади. Яъни, журналистнинг материал тайёрлашда ўз раҳбариятидан мустақил бўлиши ҳамда ўз ижоди намуналари учун фақатгина унинг ўзи масъулиятли ва жавобгар бўлиши талаб этилади. Шундагина журналистнинг ижодий фаолиятини фақатгина оммавий ахборот воситалари фаолиятига дахлдор қонунларгина чеклайди, холос. Иш жойида журналистларни фақатгина ижодий жараёнга алоқаси бўлмаган хатолари учунгина жазолаш мумкин бўлади. Ижодидаги хатолари – кимнингдир қадр-қимматини, шаънни поймол қилгани учун, бузғунчи ғояларни тарғиб қилгани учун ёки воқеа-ходисаларни бузиб талқин қилгани учун эса у фақат суд олдида жавоб беради. Шундагина журналистнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқиши учун шароит яратилади, у профессионал мустақилликка эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамоили асосига қурилиши ҳам демократиянинг таракқиётига хизмат қиласи. Бунинг учун қарама-қарши нуқтаи назарлардан иборат бўлган дастурларни яратиш, чиқишлиарда муқобил фикрлар тўқнашувига эришиш лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва рағбатлантиришга қодир бўлади. Кўпгина мамлакатларда оммавий ахборот воситаларининг ислоҳоти “ғоялар бозори”да хали айтилмаган янги фикрларни узатишга қаратилади. Лекин ўринли бир савол туғилади: бу “бозор” ҳар қандай ғоялар учун ҳам очиқ бўлиши керакми? Йўқ, албатта. Экстремистик нуқтаи назарлар, ғайриинсоний табиатга эга фикрлар ва қўпорувчиликка чақирувчи ғояларга бу “бозор”да ўрин йўқ. Лекин жамиятимиз равнақига хизмат қилувчи, бунёдкорлик табиатига эга, ҳаётимизни фаровонроқ қилишга йўналтирилган янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар бу “бозор”да бемалол рақобат қила оладилар.

Шу аснода жамият ҳаётининг турли йўналишларида қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, истиқболли дастурлар, лойиҳаларни амалга оширишда журналистлар томонидан ахборот олиш, тўплаш ва тарқатиш масалаларида қонунчилик механизмларини такомиллаштиришга, фуқаро-ларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида холис, тезкор ва тўла-тўқис хабардор қилишга, давлат ва жамоат ташки- лотларининг ахборот хизматлари ишининг такомиллашишига, фуқаро- ларнинг давлат ва жамият қурилиши жараёнларида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилиб, бу органлар устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда барча зарур шароитлар яратилади.

Бугунги кунга келиб электрон давлат хизматларини тақдим этиш доирасида давлат органларининг ўзаро, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлигини таъминловчи ягона технологик тузилмани шакллантиришга доир ишлар қўлами кенгайди. Электрон ҳукумат давлат органларининг жисмоний ҳамда юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат хизматлари кўрсатишга оид фаолиятини, шунингдек идоралар ўртасида электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга йўянлтирилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими ҳисобланади.

Электрон ҳукуматни турлича таърифлаш мумкин. Кенг маънода, электрон ҳукуматнинг вазифалари ва хизматлар кўрсатиши ҳамда фаолиятини ривожлантириш учун АҚТни қўллаш кўринишида белгиланиши мумкин. Электрон ҳукуматни — давлат оғанлари кўрсатаётган ҳизматларнинг, очиқлиги, шаффоғлиги, шунингдек, самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланиш усули деб тушуниш ҳам ўринлидир. Бундан ташқари, электрон ҳукуматни АҚТни қўллаган ҳолда давлат органларининг янада самарали фаолият кўрсатиши ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига сифатли хизматлар кўрсатиш тизими деб таърифлаш мумкин.

Э-хизматларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, улар давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш баробарида нафақат шу ташкилотнинг, балки бутун мамлакатнинг умумий имижини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Бир сўз билан айтганда, электрон ҳукумат атамаларини қўйидаги тўртта асосий қисмлар орқали умумлаштиrsa бўлади. Электрон ҳукумат қўйидагича тавсифланади: АҚТ дан фойдаланиш (компьютертармоқлари, интернет, факс ва телефон); Ҳукумат фаолиятини қўллаб-қувватлаш (ахборот билан таъминлаш, хизматлар, маҳсулотлар, маъмурий бошқарув); Фуқаролар билан ҳукумат муносабатларини ривожлантириш (янги алоқа каналларини яратиш, сиёсий ёки маъмурий жараёнларга фуқароларни тарғибот ва ташвиқотлар орқали жалб қилиш); Белгиланган стратегияларга мос равища иштирокчиларнин гтегишли жараёнларда қатнашиш фаолигини белгилаш.

Электрон ҳукуматнинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффоғлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизmlарини яратиш;
- ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш;
- ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантириш;
- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизmlарини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида «Ягона

ойна» тамойилини жорий этиш;

– тадбиркорликсубъектларини электрон ҳужжатайланишиданфойдаланишга, шу жумладан статистика ҳисботинитақдимэтиш, божхонарасмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар беришда, шунингдек давлат органларидан ахборот олиш жараёнларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш; тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишини, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш; нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш; масофадан фойдаланиш тизимларини ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шаклларини ривожлантириш.

Кейинги йилларда идоралараро ахборот тизимлари, электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари ва ахборот ресурсларини жорий қилиш мақсадида электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатлар қонун ҳужжатлари ва тегишли меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланди. Электрон ҳукумат фаолияти уч йўналишда белгиланди. Яъни “давлат-давлат”, “давлат-бизнес” ва - “давлат-фуқаро” йўналиш-ларини қамраб олди. Бу тизим идоралараро даражада давлат муассасалари ўртасида ахборот алмашиш самарадорлигини ҳамда жойларда режалаштириш ва бошқарувнинг сифатини юксалтиришга хизмат қилди. Жамоатчилик фикрини мунтазам мониторинг этиб бориш ҳамда унга таъсир - кўрсатиш имконини берди. Давлат ва бизнес муносабатларида эса маъмурий тартиб-таомиллар автоматлаштирилди. Натижада бизнесни рўйхатга олиш, солиқ ҳамда статистика ҳисботларини, божхона декларацияларини топширишда тадбиркорларнинг вақти ва маблағи тежаш йўлга қўйилди. Ани пайтда электрон ҳукумат халқ билан мулоқот учун қўшимча механизмларни яратиш, давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги, тезкорлиги ҳамда шаффоғлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ижро интизомини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ти Конуни эса бундай вазифаларни амалага оширишда муҳим аҳамият касб этди. Бу турли маъмурий тартиб-таомилларни янада енгиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш, самарадорлигини қўтариш, булар асосида фуқароларга юқори даражадаги давлат хизматларини тақдим қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун мақбул муҳит яратди.

2017 йилда имзоланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаркатлар стратегияси тўғрисида”ти Фармонидан келиб чиқиб, қабул қилинган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат Дастурида ҳам айнан ана шу соҳаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишининг 38-бандида “Нотариус” ахборот тизимлари комплексини барча нотариал идораларда жорий қилиш вазифаси қўйилган эди. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси 2017 йил 27 февралда “битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни

қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ти қарори қабул қилинди.

Қарорда Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларни автоматлаштириш, кўчмас мулк ва автомотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш таъқиқланганлиги ёки хатланганлиги бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга оширишда идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан давлат хизматлари кўрсатишни назарда тутувчи “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимини амалга киритишга келишиб олинди.

2018 йил 13 декабря қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонда эса электрон ҳукумат соҳасида амалга оширилаётган энг яхши инновацион ва амалий ечимларни татбиқ этиш, халқаро тажрибани ўрганиш ва қўллашда юзага келадиган саволларни муҳокама қилиш ҳамда давлат хизматларини ривожлантиришда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди.

#### **4.2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш вазифаларини белгиланиши**

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган вақтдан бери суд-ҳуқуқ тизимида бир қатор ислоҳотлар ўтзилди, бу қўйидагиларда кўринди. Аввало уч босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич 1991-2000 йилларни, иккинчи босқич 2001-2010, учинчи босқич 2011-2016 йилларни ўз ичига олди. Қўйидаги натижаларга эришилди. *Биринчидан*, тизимни ислоҳ қилишда судлар тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди ва мустақил ҳокимият тарзида шакллантирилди. Судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, суд тизими учун кадрлар масаласи билан шуғулланиш Адлия вазирлиги ваколатидан олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий

м  
а  
л  
а  
к  
а

к  
о  
м  
и  
с  
с  
и  
я  
с

судлар фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув аъминланиши, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратил-ган тадбирлар амалга оширилди Адвокатлар ўз ҳимоясидаги шахс билан учрашув учун рухсат олиши бекор қилиниб, адвокатлар гувоҳнома ва адвокатлик муассаси томонидан бериладиган ордер билан иш юрита бошлади. *Бешинчидан*, жиноятларнинг таснифи ўзгарди, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 % ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўtkазилди. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллашга ўтилди. Мол-мулкни мусодара қилиш тури бекор қилинди. *Олтинчидан*, 2008 йил 1 январидан бошлаб мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинди, унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди. *Еттингчидан*, 2008 йил 1 январдан бошлаб, фуқароларни қомоқقا олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилди. Ҳакамлик суди вужудга келди. *Саккизинчидан*, қонунчиликка 2001 йилдан ярашув институти киритилди. *Тўққизинчидан*, прокуратура жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинлик-ларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айланди. 2001 йилдан бошлаб фуқаролар прокурор назорати объектидан чиқарилди. Хуроса: суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясида суд ҳокимиятининг роли оширилди, жиноий жазони либераллаштириш, судга қадар бўлган босқичда суд назоратини кучайтириш ҳамда амнистия актини қўллашда суд тартибини ўрнатишга эришилди, адвокатура институтини, ижро иши юритишини ва процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва шу каби бир қанча муҳим вазифалар ҳал қилинди.

2008 йил 1 январдан “Ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”даги Қонуни қабул қилиниб, унга кўра ўлим жазоси ўрнига узоқ муддатли ва умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси киритилди, узоқ муддатли ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланди, жабогарлик қасдан одам ўлдириш (97 модданинг учинчи қисми) ва терроризм (155 модданинг учинчи қисми) учун тайинланадиган бўлди.

2017-2021 йилдан эса Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, Маъму-рий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, Жиноятчиликка қарши

курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, Суд-хуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаш-тириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш каби вазифалар белгилаб берилди.

Ўтган йиллар давомида суд-хуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятни шакллантириш, демократлаштиришнинг таркибий қисми сифатида судларнинг холислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, судни ҳокимиятнинг холис, мустақил тармоғи сифатида мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимояланишини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди. Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастури”нинг 2-йўналишида, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Мазкур йўналишда суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича бир қанча чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февраль ПФ-4966-сон “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг ягона тизим сифатида одил судловни амалга ошириш йўлидаги муҳим ҳужжат бўлди.

Бу Фармонга мувофиқ илк маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриконуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган маъмурий судлар, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодий судлар ташкил этилди. Шунингдек, Мазкур Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона Олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди. Ушбу ислоҳот суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини тақоррловчи функцияларни бартараф этишга ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга олиб келади. Бундан ташқари, суд ҳокимиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-426-сон “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги, 2017 йил 29 мартағи ЎРҚ-421-сон “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-

тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, 2017 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-427-сон “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Боз қомусимизнинг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 111-моддаларига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар суд ҳокимиятини янада мустақиллигини кафолатлаб, унинг келгусидаги ривожига шак щубхасиз улкан хисса қўшади. Судьялар олий кенгаши конституциявий мақомга эга бўлди. Боз қомусимизнинг 111-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституция-вий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиши белгиланди. Таъкидлаб ўтиш ўринлики, кенгаши фаолиятига оид масалалар “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунида тўлиқ ўз аксини топди. Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги консти-туциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади. Кенгаши судьялик лавозимларига номзодларни энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан танлов асосида танлаб олади. Судьларни тайинлаш, касбий тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этади. Кенгашининг асосий вазифаларида судьяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни амалга ошириш, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, шунингдек, уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш учун хулоса бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш кабилар белгиланган. Эътироф этиб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш бўйича мутлоқо ваколати мавжуд эмас эди. Шунингдек, мазкур комиссия фаолияти алоҳида қонун билан тартибга солинмаган эди. Қонунда кенгаши шакллантириш тартиби тўлиқ кўрсатилган. Унга кўра, кенгаши раис, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котибидан-жами йигирма бир нафар кишидан иборат таркибда бўлади. Бу таркиб судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 марта даги ЎРҚ-421-сон “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунида ҳам жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини

адолатли ва ўз вақтида ўтказиш, жазонинг адолатли ва инсонийлиги кафолатларини қучайтиришни инобатга олган ҳолда одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгартишлар киритилди. Хусусан, мазкур Қонун билан фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиши имкониятини берувчи муддатнинг 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши, фуқаролик ҳуқукий муносабатларнинг барқарорлиги, фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қиласди. Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқишининг амалдаги тизимини такомиллаштириш, шунингдек суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралиқ инстанцияларни бартараф этиш мақсадида Қонунда вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибида қайта кўриш бўйича бир-бирини тақрорловчи инстанциялари тугатилиб, ўз навбатида, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш ваколати бекор қилинди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўришга оид бир-бирини тақрорловчи ваколатлари бекор қилинди. Қонун билан бу каби ўзгартишларнинг киритилиши ортиқча ва бир-бирини тақрорловчи инстанцияларнинг бекор қилиниши айнан бир назорат инстанцияси томонидан ишларнинг бир неча бор кўриб чиқилишини олдини олиш, суд қарорларининг узил-кесиллиги ва барқарорлигини таъминлаб, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада оширди.

#### **4.3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш вазифалари**

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар миллий иқтисодиётни яратиш, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини асоси ҳисобланувчи ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, рақобат мухитини вужудга келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда мухим омил бўлиб ҳисобланиши алоҳида таъкидланди. Бу “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга доир давлат Дастирида доирасида ҳам белгилаб берилди.

Ҳаракатлар Стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бобида хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ҳимоя қилиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга тўлиқ эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат идораларининг ноқонуний аралашувига йўл қўймаслиқ, давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулкининг хусусийлаштирилган объектлари базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнларида

давлатнинг иштирокини камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу иқтисодиёт соҳасида замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъномазмундаги ва самарали ислоҳотларни амалга ошириш йўлида дадаил қадамлардан бири бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган, иқтисодни эркинлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъruzalariда алоҳида кўрсатиб ўтилди. Жумладан Ўзбекистон раҳбари “Ҳар бир раҳбар камчилик ва ютуқларни тўғри боҳолай олишлиги бу муҳим масала эканлиги, камчиликка-камчилик, ютуққа-ютуқ деб қарай олишимиз керак. Агар биз эришган ютуқларга берилиб, мавжуд камчиликларни кўра олмасак, биз белгилаб олган ушбу юқори макрраларга ета олмаймиз. Халқ манфаати қачон таъминланади, қачонки, биз амалга ошириаётган ишларда унум ва барака бўлса, бунинг учун биз халқ дардини эшита олишимиз, улар хозлагандек турмуш шарт-шароитларини янатиш учун халқимизни тадбиркор қилишимиз ҳамда уларга тадбиркорлик билан шуғулланиши учун эркинлик ва преференциялар беришимиз керак. Чунки, халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади. Мен ўйлайманки, шунда халқимиз албатта биздан ҳам рози бўлади”, дея ҳаққоний таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эса алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу Фармонда хусусий мулкни ҳимоя қилишни янада кучайтириш асосий мақсад қилиб олинди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик учун энг қулай шарт-шароатилар яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга асосий эътибор қаратилди. Бу чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 2018 йилда 407,5 трлн. сўмни ташкил этди ва 2017 йил билан таққослаганда 5,1 фоизга ўси. Юқоридаги Қонундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 27 июлдаги Фармони, “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёsat самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора- тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 8 январь ПФ-5614-сон каби Фармон ва Қарорлари муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган хужжатлар республикада касаначилик, ҳунармандчилик, қорамол боқиши ва уйда турли хизматлар кўрсатишига асосланган оиласи тадбиркорликни ҳам ривожлантиришга кенг йўл очди. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2018 йил 7 июнда қабул қилинган “Ҳар бир оила - тадбиркор” давлат Дастури асосида ҳар бир оиланинг тадбиркорлик кўниkmасини шакллантириш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги вазифалар белги-ланди. Ҳатто, кредитлар бериш тизими ҳам жорий қилиниб, унда асосан кам таъминланган ва эҳтиёжманд оиласи тадбиркорликни ривожлантириш борасида намунавий бизнес-лойиҳалар, илмий-амалий кўниkmалар тарқатилди.

Янги Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши, қишлоқ хўжалиги ва унга кирадиган барча тармоқлар ва ишлаб чиқариш мажмуасини модернизация қилиш, фермер ва дехқон хўжаликларининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши, ишлаб чиқариш, ижтимоий бозор инфратузилмаси, транспорт ва коммуникация қурилишининг ривожлантирилиши, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кенгайтирилиши кўплаб иш ўринларини яратилишига олиб келди.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди, натижада, мамлакатимизда хукм суроётган хотиржамликнинг моддий ва иқтисодий замини мустаҳкамланди. 2018 йил юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб берилиши билан халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан алоқаларни кенгайтиришга катта аҳамият берилиши билан аввало халқаро молиявий институтлар пул маблағларини жалб қилиш орқали молиялаштирилган инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш кўзда тутилди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, шунингдек мамлакатимиз худудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини ошириш соҳасидаги тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси мансабдор шахслари, вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари худудларга бириктирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари бўлса ҳар чоракда ушбу бандга мувофиқ мамлакат худудларига бириктирилган мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшлиши белгиланди.

2017-2021 йилларга мўлжалланган умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари белгиланиб, амалга ошириш йўлга қўйилди. “Ҳар бир оила-тадбиркор”, “Yoshlar-kelajagimiz” дастурлари доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди. Халқаро экспертларинг қайд этишича, Ўзбекистонда бу иқтисодий сиёсатни амалга ошириш бўйича ёндошувлар авваламбор, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилдиганлигидан.

Ҳаракатлар Стратегиясига мувофиқ 2017 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Валюта сиёсатини эркинлаштириш тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Ундан асосий мақсад эса барча бозор иштирокчилари учун бир хил шароит яратиш бўлиб, бозордаги турли-туман валюта курслари ўрнига ягона расмий курс белгиланди. Корхона ва аҳолида чет эл валютасини эркин сотиб олиш имкони пайдо бўлди. Валюта бозорининг либераллашуви ҳам ташқи савдога ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Бу соҳада рақобатабрдошликтини ошириш, экспорт корхоналарини қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари-нинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш, уларга имтиёзлар тизимини такомиллаштириш, божхона

тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва ташқи савдо операцияларини амалага ошириш муддатларини кескин қисқартириш, ташқи савдо тарифларини пасайтиришга оид ҳужжатларни расмийлашти-ришларнинг электрон шаклига ўтиш ва бошқа чора-тадбирлар кўрилди.

Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбаркорлик фаолиятини янада соддалаштириш борасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг янада ривожланишига асос бўла олади.

#### **4.4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида чуқур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларнинг белгиланиши.**

Ўзбекистон Мустақиллик йиллари жаҳонни тараққий этган мамлакатлари билан алоқани мунтазам олиб борди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ўрнатилган алоқалар ўз натижасини берди. Ўзбекистон бугунги кунда ҳам турли давлатлар билан изчил сиёсий мулоқотни йўлга қўйган бўлиб, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳалқаро ташкилотлар доирасида глобал ва минтақавий масалалар бўйича ҳамкорликдан иборат бўлиб келмоқда.

Замонавий дунё қурилишининг ғоят мупаккаб реалликлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясида қўшни мамлакатлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш энг муҳим устувор йўналиш сифатида эътироф этиб келинмоқдъ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиган Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги нутқида хорижий давлатлар, аввало қўшни мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик замонавий талаблар даражасида, ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида ҳамда ҳар икки томоннинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилишини қайд этди. Ўзбекистон ўзининг яқин қўшнилари билан муносабатда очиқ, дўстона ва прагматик сиёсатга содиқ бўлиб қолади.

Давлатимиз минтақавий сиёсатининг вазифалари тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш, барча қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва конструктив сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш билан узвий боғлиқ бўлди. Шу боис Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан самарали ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Бу борада тарих, маданият, анъанавий қадриятлар муштараклигига асосланган, илдизлари асрлар қаърига бориб туташадиган яқин дўстлик ҳамда яхши қўшничилик ришталари боғлаб турадиган Афғонистон билан муносабат алоҳида ўрин тутди.

Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлик алоқалари муҳим роль ўйнади. Ўзбекистон ўзининг қўшниси бўлган Қозогистон Республикаси билан ҳамкорликни кенг кўламда олиб борди. Ўзбекистон

Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йил Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида тараққий этиб келган бўлса, шу йиллар давомида Қозоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади, Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, тамойиларига асосланган ташқи сиёсатини қўллаб келди. Ўзбекистон ҳам ўз навбатида Қозоғистонни 2017-2018 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашига муваққат аъзоликка сайланишини қўллаб-қувватлади. Қозоғистон Ўзбекистоннинг савдо-иктисодий соҳада муҳим шерикларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Қозоғистонга табиий газ, автомобиллар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, тўқимачилик, электротехника ва қурилиш материаллари, мева-сабзавот ва бошқа кўплаб товарлар, турли хизматлар экспорт қиласди. Қозоғистондан Ўзбекистонга нефть, металл, ун, ёғ-мой маҳсулотлари келтиralади. Ўзбекистонда Қозоғистон капитали иштирокида тузилган қарийиб, 230 та Қозоғистонда Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 130 дан ортиқ фирмалар фаолият юритиб келмоқда<sup>18</sup>. 2016 йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлиш ҳажми 2 миллиард долларни ташкил қиласди.

Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ҳамкорлигини Туркманистон билан ҳамкорлик мисолида ҳам қўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан 2017 йил 6 март қуни Ашхабоддаги учрашуви ўзаро ҳамкорикни ривожланишига яна бир тамал тошини қўйди. Учрашув якунида Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари қўшма баёнотни, Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида 2018-2020 йилларда иктисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид меморандум, 2017-2019 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, 2017-2018 йилларда ташқи ишлар вазиликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури, Ўзбекистондан Туркманистонга қишлоқ хўжалик техникалари ва кимё маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар имзоланди. Хоразм вилояти билан Дашовуз вилояти, Бухоро вилояти билан Лебап вилояти ҳокимликлари ўртасида савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик шартномалари имзоланди<sup>19</sup>.

Мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиши минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти 2001 йил 15 июнда Шанхай шахрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон имзолаган

<sup>18</sup> Ўзбекистон – Қозоғистон: абадий дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган ҳамкорликнинг янги босқичи // ҳалқ сўзи. 2017 йил 24 март.

<sup>19</sup> Яқин қўшничилик ва қардошлик ришталари мустаҳкамланмоқда // Ҳалқ сўзи. 2017 йил 8 март.

ШХТни ташкил этиш тўғрисидаги декларация асосида тузилди. Ўзаро ишонч, дўстлик, ҳамда яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлини ривожлантириш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш такилотнинг асосий мақсад ва вазифалари қилиб белгиланди.

Ўзбекистон ШХТга уч маротаба, яъни 2003/2004, 2009/2010, 2015/2016 йиллар мобайнида раислик қилди. Ўзбекистоннинг илгари сурган ташабуслари, амалий саъи-харакатлар ШХТ фаолият мақомининг юксалишига хизмат қилди.

ШХТ форумининг XII мажлиси ҳам 2016 йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтди. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн олтинчи мажлиси якунлари, ШХТ ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, хавфсизлик, иктиносий, транспорт коммуникация ва инвестициявий ҳамкорлик соҳасини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, шунингдек, Ташкилотни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди<sup>20</sup>.

2019 йил Бишкеқда бўлиб ўтган ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн тўққизинчи мажлисида ҳам ШХТ мамлакатлари ўртасида алоқаларни кенгайтиришга, сиёсат, иктиносидиёт ва хавфсизлик соҳаларида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибида мажлисида ташкилотга аъзо мамлакатлар билан бирга қузатувчи, мулоқот бўйича шерик мақомидаги давлатлар халқаро ташкилотлар деленгациялари раҳбарлари қатнашди. Унда ШХТни ривожлантиришнинг истиқболдаги йўналишлари, муҳим минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алманийлди. Иктиносий ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари ва кўп томонлама кооперациянинг бошқа жиҳатлари кўриб чиқилди. Йиғилишда мурожат қилган Ўзбекистон раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўзаро алоқалар, самарали иктиносий ва транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича ШХТ Ҳамкорлик стратегияси, “ақлли” қишлоқ хўжалиги ва агроИнновацияларни жорий этиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик концепциясини илгари суриш, мамлакатларда замонавий ресурс тежовчи ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш мақсадида ШХТнинг “Яшил белбоғ” дастурини қабул қилиш, ахборот технологиялари ривожланишига масъул идоралар раҳбарларининг мунтазам учрашувлари механизмини жорий этиш, шунингдек, киберхавфсизлик масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш, мамлакатлар ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш мақсадида ШХТнинг Иктиносий форумини мунтазам ўтказиш, ШХТ доирасида парламентлараро мулоқотни тиклашга доир ташабbusларни кўллаб-қувватлаш, ШХТ шахар ва минтақаларининг тарихий-маданий меросини оммалаштириш ва туристик салоҳиятни янада тўлиқ намойн этиш, ташкилотга раислик қилувчи мамлакатлардаги шаҳарлардан бирини ШХТ сайёҳлик ва маданий пойтахти деб эълон қилиш ҳақидаги таклифларини берди.

<sup>20</sup> ШХТ:Тинчлик ва ҳамжиҳатлик йўлидаги ҳамкорлик истиқболлари // Халқ сўзи. 2017 йил 28 апрель.

Ўзбекистоннинг МДХ маконидаги муҳим ташқи савдо шериги ҳисобланган Белорусь давлати билан ҳамкорлиги мустақиллик йиллари мунтазам давом этиб келди. 2018 йил 12-14 сентябрь қунлари Белорусь Президенти А.Лукашенконинг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки давлат ўртасида ўзаро шерикликнинг янги босқичини бошлаб, уни барча йўналишда янада ривожлантириш учун кучли турки берган муҳим қадамга айланди. Давлатлар ўртасидаги учрашув яқунида икки давлат раҳбарлари томонидан 19 та ҳужжат, қиймати қарийиб 260 млн. долларлик 90 дан ортиқ савдо битимлари имзоланди.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда Белорусь томони иштирокида 50 дан зиёд, хусусан, 47 та қўшма ва 4 та тўлиқ белорусь капитали иштирокидаги корхона фаолият юритмоқда. Икки республика ҳудудлари ҳамкорлик 2018 йилларда сезиларли фаоллашди. Масалан, 2018 йилга келиб “МТЗ” ОАЖ билан саноат коорперацияси асосида Белорусь тракторлари ишлаб чиқараётган “ТҚХТЗ” АЖ, шунингдек, белорусь компаниялари билан биргаликда йўлқурилиш ва маҳсус техникалар етказиб бераётган “Амкадор-Агротехмаш” ҚК ва “Крантас” МЧЖ фаолияти самарали сармоявий ҳамкорликка мисол бўла олди<sup>21</sup>. 2018 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Белорусь ишбилармонлари ва ҳудудларо ҳамкорлик форумида Тошкент ҳамда Минск Савдо-саноат палаталари, шунингдек, Тошкент ва Гомель вилоятлари ўртасида ўзаро алоқаларни кучайтиришга қаратилган битимлар имзоланди.

Бундай ҳамкорлик Европа Иттифоқига кирувчи давлатлар билан ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, бугунги кунда мамлакатимизда Германия сармояси иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони 150 тадан ошиди. Шундан 42 таси фирма ва компания тўлалигича хориж капитали ҳисобига тузилди. 2018 йилда ўзаро товар айирбошлиш ҳамжи 25 фоиз ўсиб, 770 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Икки давлат ўртасидаги бугунги кунда замонавий юк автомобиллари, қишлоқ хўжалиги техникаси, қурилиш материаллари, кабел ўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Туризм соҳасида ҳам алоқалар жадал ривожланиб, кейинги йилларда Германиядан Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони 4 баравар ошиб, 2018 йилда 20 минг кишига етди. 2019 йил 15 январдан Германия фуқаролари учун 30 кунлик визасиз тартиб жори эитилиши ҳам туристлар сонини ошиб боришига имкон берди. Соғлиқни сақлаш соҳасида эса 2019 йилгача 32 миллион долларга teng дастурлар ҳаётга тадбиқ этилди. Ўзбекистонлик мутахассислар Германия клиникаларида мунтазам малака ошириб қайтдилар.

Ўзбекистонда германиялик инвесторлар иштирокида 132 та фирма ва компания фаолият юритиши, шундан 33 таси юз фоиз немис капитали асосида тузилганлиги, 31 таси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очганлиги ҳам икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожланаётганлигидан далолат беради. Ўзбекистон ТИФ Миллий банки Германиянинг 57 та банки билан алоқа ўрнатди. Тошкентда “Дойче-банк” бўлими ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёевнинг Германия Федератив

<sup>21</sup> Вакт синовидан ўтган дўстлик // Халқ сўзи. 2019 йил 30 июль.

Республикаси Федерал Президенти Ш.Мирзиёевнинг Штайнмайернинг тақлифига биноан 2019 йил 20 январда Германияда бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг тақлифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг 2019 йил 27 май куни Ўзбекистонга ташрифи чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг деярли барча йўналишлари – сиёсий мулоқот, парламентлараро алоқалар, савдо-иктисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа қўплаб соҳа-ларга диор масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Болгария республикаси биоан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, Болгария Президенти П.Стоянов расмий ташриф билан Ўзбекистонга келиши ҳам икки давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамланишига тамал тошини қўйди. 1999 йил май ойида Болгария Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ва икки давлат раҳбарларини ўрасидаги учрашувда асосий эътибор иқтисодий ҳамкорликка қаратилди. Музокаралар давомида икки томонлама қўшма ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлари ўртасида белгиланган ҳудудлар ҳамда улардан ташқарида ўзаро ҳаво алоқасини йўлга қўйиш тўғрисида ҳамда жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

1995 йил 6 июнда расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Латвия Республикасига борди. Икки давлат раҳбарлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома, транспорт, ҳаво алоқалари, сайёҳлик ва илмий-техник алоқалар юзасидан битимлар тузилиб, ҳамкорлик давом этиб келмоқда. 1995 йил 7-8 июнда эса расмий ташриф билан Литва республикасида бўлди. Бу давлат билан ҳам ҳамкорликни ривожлантириш ва чуруқлаштиришга оид ҳужжатлар имзоланди.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, одам савдоси ва трансмиллий жиноятчилик, иқтисодий бўхронлар, экологик ва гуманитар инқирозлар қитъа мамлакатлари олдига ўзаро ва кўп томонлама сиёсий мулоқотлар орқали тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожланишга эришиш мақсадларини қўймоқда. Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОҲИЧК) шу жиҳатдан давлатлаларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро платформа саналади.

Минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича ёндошувларни ишлаб чиқиши, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, терроризмнинг барча шакл ва кўринишлари, наркотик моддаларнинг ноқонунний айланишига қарши курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш ОҲИЧкнинг асосий мақсадалари ҳисобланади.

